2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 68 (1394), 2025 йил 3 апрель, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ЕВРОПА КЕНГАШИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Самарқанд шаҳрида 3-4 апрель кунлари “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити бўлиб ўтади.



Илк бор ўтказилаётган саммитда Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ҳамда амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтадиган саммит ишида Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов иштирок этади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2 апрель куни Самарқанд шаҳрида саммитда иштирок этиш учун келган Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта билан норасмий учрашув ўтказди.

Учрашувда икки томонлама ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Бўлажак “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматидаги биринчи саммитга тайёргарлик масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Европа Иттифоқининг олий мартабали вакили Бухоро шаҳрига ҳам ташриф буюриб, халқимизнинг маданий-тарихий мероси билан танишди.

2 апрель куни Самарқандга Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен ҳам ташриф буюрди.

Саммитнинг асосий тадбирлари, делегациялар раҳбарларининг икки ва кўп томонлама учрашувлари 3-4 апрель кунлари ўтказилади.

ЎзА



САМАРҚАНДДА ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛЛАР ОЧИЛАДИ

“МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ” БИРИНЧИ САММИТИ ҲАҚИДА

Бугун Самарқандда тарихий воқеа — Европа Иттифоқи (ЕИ) ва Марказий Осиё ўртасидаги биринчи саммит иш бошлади. 3-4 апрель кунларига мўлжалланган учрашув Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон етакчилари иштирокида ўтказилади. Тадбирда ЕИ томонидан Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен иштирок этади.



Саммит доирасида Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлигининг узоқ тарихи, саммит якунлари бўйича очилиши мумкин бўлган янги иқтисодий истиқболлар нуқтаи назаридан ҳам алоҳида қизиқиш уйғотадиган масалаларнинг иқтисодий блоки муҳокама қилиниши кўзда тутилмоқда.

Тарихий аҳамият ва қийматга эга саммит ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити олдидан Президентимизнинг “Euronews”га берган эксклюзив интервьюсига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Зеро, интервьюда ушбу саммитнинг аҳамияти, ундан кутилаётган натижалар, Европа Иттифоқи билан Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон ҳамкорлигининг истиқболлари таҳлили тўла очиб берилган.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Президенти: “МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЭНДИ ТАРИХНИНГ ЧЕТИДА ЭМАС, БАЛКИ ЎЗ СТРАТЕГИК КУН ТАРТИБИНИ ШАКЛЛАНТИРАЁТГАН, ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН МИНТАҚАГА АЙЛАНМОҚДА”

Ўзбекистон Президентининг “Euronews”га берган интервьюси кўплаб нуфузли хорижий ОАВ томонидан эълон қилинди

euronews.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 апрель куни Самарқандда бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити олдидан “Euronews”га берган эксклюзив интервьюси етакчи халқаро оммавий ахборот воситаларида кенг резонансга сабаб бўлди.

Кўплаб хорижий босма ва электрон нашрлар ўз саҳифаларида Ўзбекистон раҳбарининг “Euronews” саволларига берган жавобларининг тўлиқ матнини турли тилларда эълон қилди ҳамда бу билан янги Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро кун тартибининг асосий масалалари бўйича позициясига катта қизиқиш борлигини тасдиқлади.

Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ДЎСТЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК АСОСЧИСИ

Бугун халқларимиз учун ҳақиқатан ҳам катта ва узоқ кутилган байрам. Биз уч давлат чегараларининг туташ нуқтаси ҳақидаги тарихий шартномани имзоладик. Бундан буён чегаралар — биродарлик чизиқлари, янги имкониятлар, бунёдкорлик ва ҳамкорлик маконидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Буюк ўзбек йўли

Янги Ўзбекистон қандай давлат, деган саволга энг тўғри жавоб: ўз халқининг истиқболи ва фаровонлигини қўшнилари билан узвий ҳолда кўрувчи, минтақада инсон қадрининг барча нарсадан устунлигини таъминлаш борасида ортга қайтмас ислоҳотларни амалга ошириш ташаббусларини илгари сурувчи ва бу борада ўзи ҳар томонлама ўрнак бўладиган давлатдир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚА ТИНЧЛИГИ ТАРАФДОРИ: МУҲИМ ЧИЗГИЛАР ВА РАҚАМЛАР

2017-2024 йилларда жаҳондаги муаммоли масалаларни ўзаро келишган ҳолда ҳал этиш, ишонч инқирозига барҳам бериш, ўзаро иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилувчи **таклифларни энг кўп илгари сурган давлат раҳбари айнан Президентимиз Шавкат Мирзиёевдир**.

Давоми 4-бетда

БАРҚАРОР ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЗАМИНИ

— Давлатимиз раҳбарининг “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити олдидан Европадаги етакчи оммавий ахборот воситаси — “Euronews”га берган интервьюсида қайд этилганидек, Марказий Осиё бугунги кунда энг аҳил, дўст ва биродар, ҳамжиҳат минтақага айланди. Тўғриси, бундан 10 йиллар олдин буни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Президентимизнинг яхши қўшничилик тамойилларига асосланган оқилона сиёсати натижасида минтақамизда ўзаро бирдамлик муҳити яратилди. Табиийки, бундай соғлом муҳит Европа Иттифоқининг минтақамизга интилишини янада кучайтирди. Албатта, қаердаки тинчлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик барқарор бўлса, ривожланиш, тараққиётга интилиш бўлса, ҳамкорликдан ўзаро манфаатдорлик кафолатланса, ўша жойга интилиш кучли бўлади.

Давоми 2-бетда

Албатта ўқинг!

Сўзи ўлмаганнинг ўзи ҳам ўлмас



Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов “Сўз латофати” китобида “Ўз тилинг ўз ватанингдек азиз, ўз онангдек табаррук”, деб ёзган эди. Ҳа, инсон ўз она тилини қанчалик мукаммал билса, ўзлигини шунча теран англаб бораверади. Зеро, суюкли шоиримиз ибораси билан айтганда, тил замирида ётган тарихни билмаган, қизиқмаган одам баркамол саналмас. Ҳар бир жамият комил инсонлар туфайли юксалади. Шу маънода, ҳар қандай мамлакат тараққиёти миллий тарихни, ўзликни — она тилини билишга боғлиқ!

Мамлакатимиз ривожланишнинг янги даврига ўтгач, тилимизга эътибор тубдан ўзгарди.

Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони имзоланиши бу борада янги даврни бошлаб берди. Муҳими, давлат тилига эътиборни мустақилликка эътибор сифатида англаб, тилимизга эҳтиром ва садоқатни она ватанга эҳтиром ва садоқат деб билиш тамойили илгари сурилди.

Халқимизнинг ардоқли шоири Эркин Воҳидов бутун ижоди давомида ўзлигимизни, она тилимизни юксак меҳр ва муҳаббат билан тараннум этди. “Сўз латофати” китоби ана шу беқиёс муҳаббат ҳосиласи, машаққатли меҳнат маҳсули ўлароқ вужудга келди.

Форсий тил хослар учун дея қаралган даврда Ҳазрат Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асари орқали она тилимизнинг жозибаси, бошқа тиллардан кам эмаслигини исботлаган эди. Эркин Воҳидов эса Ҳазратнинг боқий меросидан қувват олиб, ўзбек тили бугун ҳам бошқа тиллардан кам эмаслигини “Сўз латофати” ила яна бир карра тасдиқлади. Демак, ушбу китобни ўқиб ўрганиш, халқимизнинг Эркин Воҳидовдек комил фарзандлари билан қалбдош бўлиш ватанни таниш, ўзликни англаш сари қўйилган яна бир қадамдир.

Ана шундай яқинликни теранроқ ҳис этиш мақсадида “Янги Ўзбекистон” газетасида “Сўз латофати” китобидан парчалар бериб боришга қарор қилдик.

Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Президенти: “МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЭНДИ ТАРИХНИНГ ЧЕТИДА ЭМАС, БАЛКИ ЎЗ СТРАТЕГИК КУН ТАРТИБИНИ ШАКЛЛАНТИРАЁТГАН, ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН МИНТАҚАГА АЙЛАНМОҚДА”

Ўзбекистон Президентининг “Euronews”га берган интервьюси кўплаб нуфузли хорижий ОАВ томонидан эълон қилинди

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг интервьюси Жанубий Кореянинг етакчи нашрларидан бири — “Diplomacy Journal” журнали, Покистоннинг “Diplomatic News Agency — DNA” ахборот агентлиги, “Daily Islamabad Post” ва “The Daily Big Digit” газеталари томонидан эълон қилинди. Бундан ташқари, мазкур интервью “Инфозакон” ва “Курсив” (Қозоғистон), “Q8 Press” (Кувайт), “Индустрия Евразии” ва Коммерсантъ” (Россия) каби электрон нашрлар, шунингдек, “Theasiatoday”, “Ekoavrasya”, “Ankasam” (Туркия) онлайн платформалари томонидан тарқатилди. Шунингдек, мамлакатимиз етакчисининг интервьюси билан Туркманистоннинг “News Central Asia” янгиликлар порталида, Украинанинг “Kyiv Diplomatic” журналида инглиз ва украин тилларида, Саудия Арабистонининг “Wrkaa News”, Бельгиянинг етакчи “EU Reporter” нашрларида ҳам танишиш мумкин. Ўзбекистон Президентининг интервьюсига бўлган қизиқишни, шунингдек, Британиянинг “London Post” янгиликлар портали, Хитойнинг “Китай” журнали, Мисрнинг “Сада ал-Балад” ахборот агентлиги ва бошқа нашрлар ҳам тасдиқлайди.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлардаги ижобий динамика ҳақидаги сўзларини алоҳида таъкидлаган. Қайд этилганидек, сўнгги етти йилда Марказий Осиё мамлакатлари билан Европа Иттифоқи ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тўрт баробар ошиб, 54 миллиард евро га етди. Бу ҳолат минтақанинг Европа мамлакатлари учун истиқболли ҳамкор сифатидаги роли ошиб бораётганидан далолат беради.

Машҳур нашрлар, шунингдек, Президентимизнинг Самарқанднинг савдо, илм-фан ва дипломатиянинг тарихий маркази сифатидаги ўрни ҳақидаги фикрларига эътибор қаратган. **“Унинг улуғворлиги турли маданиятлар, халқлар ва ғояларни бирлаштира олганида,** — дея Президент Шавкат Мирзиёев сўзларидан иқтибос келтирилган. **— Бугун у яна Европа ва Марказий Осиё замонамизнинг асосий муаммоларини муҳокама қилиши мумкин бўлган мулоқот майдонига айланмоқда”.**

Кейинги йилларда Марказий Осиёда амалга оширилган ўзгаришлар ҳам юқори баҳоланган. Нашрлар Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё минтақаси ҳақидаги саволга жавобидан мисол келтирган: “Сўнгги йилларда Марказий Осиё тубдан ўзгарди, янги қиёфа касб этди — конструктив мулоқот, ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорлик майдонига айланди. Бу эса мамлакатларимиз етакчиларининг умумий сиёсий иродаси туфайли амалга ошди. Бугун биз бу жараённинг ортга қайтмаслиги ҳақида ишонч билан айта оламиз”.

Ўзбекистон Президентининг афғон масаласи бўйича позициясига алоҳида урғу берилган. Хорижий оммавий ахборот воситалари давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан ёндашуви ҳар доим прагматик ва узоқ муддатли стратегик тамойилларга асосланиб келгани ҳақидаги баёнотига эътибор қаратди. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев қўшни Афғонистондаги вазият ҳақидаги саволга жавоб берар экан, қуйидагиларни таъкидлади: **“Ҳозирги раҳбарият Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга, ўз ресурсларини аэропортлар, ички темир йўл тармоқлари, сув-энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга ва кўknор майдонларини қисқартиришга йўналтиришга муваффақ бўлди. БМТ маълумотларига кўра, “Толибон” 2023 йилда гиёҳванд моддалар савдосини тақиқлаганидан сўнг, Афғонистонда кўknор етиштириладиган ерлар 95 фоизга камайган. Афғонистонда кўknордан холи келажак барпо этиш мақсадида қишлоқ аҳолисига ёрдам кўрсатилмоқда, қишлоқ хўжалигининг муқобил йўналишлари ривожлантириляпти”.**

Нашрларда таъкидланганидек, бўлажак “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитининг муҳим натижаларидан бири томонларнинг стратегик шериклик муносабатларини ўрнатишга бўлган муштарак истагини акс эттирувчи Самарқанд декларациясининг имзоланиши бўлади. **“Декларация нафақат эришилган келишувларни мустаҳкамлайди, балки минтақаларимиз ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш учун асос яратади,** — деди Ўзбекистон Президенти. **— Биз инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, инновациялар ва рақамли ечимларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ келишувларга эришишдан умидвормиз”.**

Нуфузли хорижий ОАВ, шунингдек, Ўзбекистоннинг конструктив мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига содиқлигини таъкидлаб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини иқтибос ўрнида келтирган: **“Биз барқарор ривожланиш ва халқларимизнинг фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган, ўзаро манфаат ва ишончга асосланган конструктив ҳамкорлик тарафдоримиз”.**

“Дунё” АА

РЕАЛ ВОҚЕЛИККА АЙЛАНАЁТГАН ОРЗУ



Содиқжон ТУРДИЕВ, “Нуроний” жамғармаси бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони

Давлатимиз раҳбари бошлаб берган янги Марказий Осиёнинг глобал аҳамияти тобора ортмоқда. БМТ Бош котибининг ўтган йили юртимизга сафарида “Нима учун мен Марказий Осиёга ташрифимни Ўзбекистондан бошладим?” дея изоҳ беришдан бошланган нутқи бутун дунёда акс садо берганди.

“Ўз фаолиятида минтақада тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва тараққий эттиришнинг ишончли кўприкларини бунёд этган илғор ташаббуслар соҳиби сифатида жаноб Президентни тинчлик элчиси, десам асло муболаға бўлмайди”, деган эди ўшанда Антониу Гутерриш.

Бош котибнинг бу эътирофи бежиз эмас, чин юракдан астойдил билдирилган, чуқур ишончга йўғрилган мулоҳазалар эди. Ростдан ҳам Шавкат Мирзиёев нафақат янги Ўзбекистон, балки янги Марказий Осиё тенденциясига асос солди. Буни дунё тан олди ва ҳақли равишда эътироф этди.

Қўшнилар билан тил топишиб яшаш — олий неъмат. Бунга эса сиёсий ирода керак. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз тинимсиз меҳнати, изланиши, салоҳияти билан мамлакатимизга тоза ҳаво олиб кирди.

Ёши катта инсон сифатида менда собиқ иттифоқ, мустақиллигимизнинг дастлабки даврлари ва 2016 йилдан кейинги даврни қиёслаш имконияти бор. Бундан 10 йил илгари биз бугунги ҳаётни тасаввур қилолмас эдик. Ўша даврга мослашиб қолгандик. Бугун эса таққослаб бўлмайдиган даражада ўзгаришларга гувоҳ бўляпмиз.

Мана шу саккиз йилда бир неча ўн йилларда эришиш мумкин бўлмаган ютуқларни қўлга киритдик. Қулф осилган дарвозалар очилди. Бугун минтақада чегара бўйича ҳеч қандай муаммо йўқ.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида кенг кўламли ҳамкорликда муаммоларнинг музокаралар йўли билан ҳал этилишида Президентимизнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Масалан, яқинда Қирғизистон ва Тожикистон давлат чегараларини тўлиқ делимитация қилиш жараёнини якунлагани ҳам Марказий Осиё минтақаси учун тарихий аҳамиятга эга воқеадир. Баҳсли чегаралар масаласини ҳал қилиш борасида Ўзбекистон бошлаб берган ушбу жараённинг мантиқий ва амалий якун топишида ҳам давлатимиз раҳбари юритаётган дўстона сиёсатнинг натижаси мужассам.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тожикистон Республикаси Президентининг таклифига биноан 31 март куни амалий ташриф билан Хўжанд шаҳрида бўлганида икки давлат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик юксак даражага кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ташриф давомида жуда яхши натижаларга эришилди. Хусусан, ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ҳақидаги баённомани имзолади.

Бу давлатлар ўртасида чегара масалаларининг ҳал этилиши ўзаро ҳурмат, суверенитет ва тенглик тамойилларига асосланган кўп йиллик машаққатли меҳнат, самимий мулоқот ва ҳамкорлик самарасидир. У йиллар давомида ёпиқ чегаралардан азият чеккан бир неча ўн минглаб биродар ва қариндош замондошларимиз, иқтисодиётларимизда кўрилган зарарларнинг ўзига хос товони ўлароқ халқларимиз ўртасидаги ишонч ва дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлайди, турмуш даражасини яхшилайди, минтақа иқтисодиёти барқарорлигига хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, Марказий Осиё бирлашмоқда. Ўзбекистон Президенти янги Ўзбекистон сарҳадлари билан чегараланмай, Марказий Осиёдаги муҳитни ҳам тубдан ўзгартиришга эришди. Низоли минтақада барқарор дўстлик атмосферасини яратди. Бу халқларимиз кутган, орзу қилган ва интилган энг катта марра эди.

АБАДИЙ ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ТИМСОЛИ

Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим шартларидан бири минтақалараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамжиҳатлик, кучли ташқи сиёсат, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ва ҳеч шубҳасиз, яхши қўшничиликдир.

Марям АҲМЕДОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари — оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси

Шу маънода, 31 март куни жуда муҳим тарихий воқеанинг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғиз Республикасининг чегаралари туташган жой аниқ белгиланди. Ҳамжиҳатлик, тотувлик, ўзаро ҳурмат белгиси сифатида ўрнатилган Дўстлик стеласининг тантанали очилиш маросими ҳақиқий дўстлик байрамига айланди.

Тарихий учрашув якунида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди ҳамда уч давлат раҳбарларининг Қўшма декларацияси қабул қилинди. Бу тарихи, илдизи бир, азалдан ён ва жон қўшни бўлиб, ягона маконда яшаб келган қардош ва биродар халқлар ҳаётидаги муҳим тарихий бурилиш нуқтаси, десак адашмаган бўламиз.



Ушбу муҳим тарихий воқеа бутун халқимиз қатори мени ҳам жуда тўлқинлантирди. Сабаби дўстлик ва ҳамжиҳатлик, яқин қўшничилик, борди-келдилар кучайиши, бозорлар очилиши учун кафолатли қадамлар қўйилди. Бу халқимизнинг азалий орзуси эди. Халқларимиз қуда-андалик ришталари билан бир-бирига мустаҳкам боғланган. Тарихимиз, адабиётимиз, динимиз бир, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз уйғун.

Бу Президентимизнинг саъй-ҳаракати, оқилона ташқи сиёсати, ҳамжиҳатлик, жипслик, яхши қўшничиликни таъминлаш борасидаги жуда катта амалий ишларининг натижаси бўлди. Ўз навбатида, халқларимизни ғоят руҳлантирди. Шунинг учун мамлакатимизнинг барча ҳудуди, маҳаллаларда бу муҳим тарихий воқеа кўтаринки кайфиятда, байрамона кутиб олинди.

Жонажон ватанимиз, жумладан, Қорақалпоғистонда ҳам турли миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ, тотув ва ҳамжиҳат умргузаронлик қилмоқда. Уларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланиб, шахсини такомиллаштириши, миллий қадриятларини сақлаши ва ривожлантириши учун ҳамма имконият ҳамда шароитлар яратиб берилган.

Ўзбекистонда тожик, туркман, қозоқ, қирғиз ва бошқа миллат вакиллари тинч-тотув яшаб келаётган бўлса, Тожикистон ва Қирғизистонда ҳам турли миллат вакиллари истиқомат қилишини назарда тутсак, чегаралар билан боғлиқ муаммоларга батамом нуқта қўйилиши, Дўстлик стеласи очилиши қанчалик аҳамиятли ва қадрли эканини юракдан ҳис этамиз.

Қорақалпоғистонда ҳам бу муҳим воқеа катта хурсандчилик, қувонч билан кутиб олинди. Айниқса, Наврўз айёми шукуҳи давом этаётган, муқаддас Рамазон ҳайити кунлари дўстлик байрамига айланди.

Оналар доим оиласининг тинчлиги, фарзандларининг камоли, келгусидаги тақдири учун жон куйдиради. Эртага фарзандларим илмли, бахтли бўлсин, тинч-осойишта, фаровон юртда яшасин деб орзу қилади. Шу маънода, қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик, мустаҳкам дўстлик ва ҳамжиҳатлик алоқалари биз — оналар, аёллар кўнглини тоғдек юксалтирди. Эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамлади.

БАРҚАРОР ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЗАМИНИ

Шавкат АЮПОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, сенатор, Ўзбекистон Қаҳрамони:

Бошланиши 1-бетда

Бугун Марказий Осиё ўзаро боғлиқликда барқарор ривожланаётган минтақа сифатида танилди. Шунинг учун Европа Иттифоқи минтақамизга катта қизиқиш билан қарамоқда.

Бугунги саммит нима учун айнан Самарқандда ўтмоқда? Боиси, Самарқанд тарихан ҳам Европа Иттифоқи билан



боғланган. Бу қадим Буюк ипак йўли цивилизациясидан руҳ олиб келмоқда.

Самарқанд саммити, умуман олганда, Европа Иттифоқи билан ҳамкорликдан асосий мақсад, албатта, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик доирасида инвестиция жалб қилиш, ҳамкорликда “яшил” энергетика, туризм, транспорт-логистика инфратузилмаси каби кўплаб стратегик йўналишларни ривожлантириш ҳисобланади.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқи илм-фан, таълим соҳасида энг ривожланган минтақалардан бири ҳисобланади. Шу маънода, саммитда эришиладиган натижалар ёшларимиз учун ҳам катта имкониятлар яратади деб ўйлаймиз.

ЧЕГАРАЛАР — БИРОДАРЛИК ЧИЗИҚЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 31 март куни Хўжанд шаҳрига амалий ташрифи тарихий аҳамиятга эга. Зеро, икки давлат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик юксак даражага кўтарилган ташриф давомида жуда муҳим келишувларга эришилди. Биринчидан, икки давлат Президентлари ҳузурида ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ҳақидаги баённомани имзолади.

Иккинчидан, ташриф доирасида давлат чегараларининг туташув нуқтаси тўғрисидаги шартнома ҳам имзоланди. Зотан, ушбу келишувга эришиш учун анча вақт ва меҳнат сарфланди.

Мазкур жараёнда, шубҳасиз, Ўзбекистон Президентининг минтақа давлатлари ўртасида яхши қўшничилик ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсати ҳамда минтақани ягона маконга бирлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Учинчидан, халқларимиз ўртасида абадий дўстликни ифодаловчи Дўстлик стеласи монументи тантанали очилди. Бу ҳам мазкур ғоянинг амалий ифодаси бўлди.

Асосийси, бу келишувлар Марказий Осиёда мутлақо янгича ишонч, дўстлик ва яхши қўшничилик муҳитини яратиш имконини берди.

Буни тўғридан тўғри қишлоқ хўжалиги соҳаси мисолида таҳлил қилсак, кўпгина қулай имкониятлар вужудга келганини кўрамиз. Аввало, минтақада 240 миллион гектарга яқин ер мавжуд. Бу — қишлоқ хўжалигида фойдаланиш мумкин бўлган майдон. Унинг атиги 4 фоизи суғориладиган ер. Афсуски, қолган майдондан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Сабаби сув танқислиги муаммоси мавжуд.



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, қишлоқ хўжалиги вазири

Бу ташриф мана шу муаммоларни ечишга ёрдам бериши билан ҳам аҳамиятли. Зеро, табиий ресурслардан унумли фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ривожи, пировардида аҳоли фаровонлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, иқтисодий барқарорликни таъминлашда жуда муҳим.

Қолаверса, минтақа давлатлари ўртасида қишлоқ хўжалигида илм-фан ютуқлари билан ўртоқлашиш, ўзаро тажриба алмашиш учун, албатта, ҳамкорлик зарур. Бунинг учун чегаралар очиқ, мунтазам борди-келди, мулоқот бўлиши керак.

2024 йилда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги товар айирбошлаш қиймати 700 миллион доллардан ошган. Қўшнимиз билан ҳамкорликда саноат, энергетика, электротехника ва бошқа қатор устувор соҳалар билан бирга қишлоқ хўжалиги йўналишида ҳам кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги савдо айланмасига эътибор қаратсак, кейинги 8 йилда ўзаро импорт-экспорт кўрсаткичи 10 баробар ошганига амин бўламиз. Масалан, Тожикистон ва Қирғиз Республикалари билан мевасабзавот, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича савдо ҳар йили камида 20-30 фоиз ошмоқда. Албатта, бу чегаралар очиқлиги, яхши қўшничилик алоқалари йўлга қўйилгани, бир-биримизни яхши тушунаётганимиздан далолат. Энг асосийси, умумий бозорлардан самарали фойдаланилмоқда.

Музокараларда уч томонлама савдо майдончасини ташкил этиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг доимий фаолият кўрсатадиган кўргазма-ярмаркасини йўлга қўйиш масаласини ўрганиш таклиф этилди.

Бу ҳам, ўз навбатида, минтақа халқлари турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади. Қолаверса, уч мамлакат аҳолиси ўртасидаги ишонч ва дўстлик муносабатларини мустаҳкамлайди.

Лайло АСЛОНОВА, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси:



— Президентимизнинг “Euronews”га берган интервьюси мамлакат ташқи сиёсатининг очиқ, прагматик ва минтақавий ҳамкорлик йўналишидаги катта интилишларини кўрсатиб берувчи суҳбат бўлди.

Шу билан бирга, ушбу интервьюнинг “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитидан олдин бўлгани ҳам долзарб аҳамиятга эга. Чунки интервьюда давлатимиз раҳбари нафақат саммитга тайёргарлик жараёни, балки Ўзбекистон ташқи сиёсатининг моҳиятини очиб берувчи концептуал чиқиш қилди, десам муболаға бўлмайди.

Юртбошимиз интервьюда минтақа давлатларининг сўнгги йиллардаги ўзаро ишончи ва яқинлашуви сезиларли даражада ошиб бораётгани билан биргаликда айнан Марказий Осиёнинг жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллаши учун тарихий имкониятлар пайдо бўлаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, айнан Европа Иттифоқи мамлакатлари билан иқтисодиёт, экология, логистика, таълим ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари билан бир қаторда бугунги кунда минтақа давлатларининг барқарор ривожланиши учун мана шу алоқалар йўналишларини янада чуқурлаштириш масалалари ҳам алоҳида қайд этилди.

Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ, филология фанлари доктори, профессор:



— Марказий Осиёнинг маънавий бошкенти — Самарқандда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити ўтказилаётгани тарихий ҳодисадир. Бу саммит Ўзбекистон, хусусан, Самарқандда ўтказилаётгани бежиз эмас. Боиси, кейинги саккиз йилда Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона ташқи сиёсат Марказий Осиёда азалий қардош ва биродар мамлакатларнинг ўзаро яқинлашуви тезлашиши, жипслашиши, дўстлик ва ҳамкорликнинг янги босқичга чиқишига кўмаклашди.

Давлатимиз раҳбари саммит олдидан “Euronews”га берган интервьюсида ҳам мана шу масалаларга алоҳида тўхталиб, **“Сўнгги йилларда Марказий Осиё тубдан ўзгарди, янги қиёфа касб этди — конструктив мулоқот, ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорлик майдонига айланди. Бу эса мамлакатларимиз етакчиларининг умумий сиёсий иродаси туфайли амалга ошди. Бугун биз бу жараённинг ортга қайтмаслиги ҳақида ишонч билан айта оламиз”,** деди.

Дарҳақиқат шундай, Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистонимизда тинчлик барқарор. Президентимиз бошчилигида тараққиётнинг кейинги босқичига ўтиш йўлида катта ислоҳотлар амалга ошириляпти. Қўшниларимиз билан яхши қўшничилик алоқалари ўрнатилиб, яқин иттифоқчиларга айланганмиз. Улар ҳам ўзаро бир-бирлари билан шундай муносабатда.



Кун мавзуси

САМАРҚАНДДА ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛЛАР ОЧИЛАДИ

“МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ” БИРИНЧИ САММИТИ ҲАҚИДА



Обид ҲАКИМОВ,
Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази директори

Бошланиши 1-бетда

“Бизнинг Европа Иттифоқи билан шериклигимиз — бу икки томонлама ҳаракат, ундан иккала томон ҳам манфаат кўриши лозим. Марказий Осиё — Европа Иттифоқи формати — ноёб ҳамкорлик платформаси бўлиб, ўлчам ва институционал қамров жиҳатидан унга ўхшаши мавжуд эмас. 27 давлатни, жумладан, “Катта еттилик”ка аъзо учта мамлакатни (Германия, Франция ва Италия) бирлаштирган Европа Иттифоқи Марказий Осиё билан минтақалараро даражада тизимли ҳамкорликни йўлга қўйган энг йирик интеграцион тузилма ҳисобланади. Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик иқтисодиёт ва инвестициядан тортиб, барқарор ривожланиш, хавфсизлик ва рақамли трансформациягача бўлган соҳаларнинг кенг мажмуасини қамраб олади ҳамда узоқ муддатли стратегик устувор йўналишларга асосланади”, дейилади интервьюда.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ТРАЕКТОРИЯСИ

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон орасидаги ҳамкорлик мамлакатимиз мустақилликка эришганининг дастлабки йиллариданоқ ривожлана бошлади. 1992 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон ҳукумати ва Европа Иттифоқи Комиссияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланган бўлса, 1994 йил ноябрда ЕИ билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонаси Европа Иттифоқидаги миссия вазифаларини бажариб келмоқда. 2011 йилдан Тошкентда ЕИнинг дипломатик ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. 1996 йил июнда имзоланган ва 1999 йилда кучга кирган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (ШКБ) ҳамкорлик учун асос яратди.

ЕИ билан ҳамкорлик Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган туб ислоҳотлардан кейин янада фаол ривожланди. 2017 йил июлда Тошкентга ташриф буюрган Европа комиссиясининг халқаро ривожланиш ва ҳамкорлик бўйича бош директори Стефано Мансервиси ЕИ Ўзбекистонни стратегик ҳамкор сифатида кўришини маълум қилган эди.

Ўзаро муносабатларнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси ҳам кенгайди. Агар аввал Ўзбекистон ва ЕИ Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ бир-бирига энг қулай савдо режимини тақдим этган бўлса, 2021 йил апрель ойида Европа Иттифоқи Ўзбекистонга Умумий имтиёзлар тизими — GSP+ бенефициари мақомини берди. 2022 йилда эса кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битим маъқулланди.

Кейинги йилларда томонлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳам фаоллашди. Хусусан, 2017-2024 йилларда Ўзбекистоннинг ЕИ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 2,4 баробар — 2,6 миллиард доллардан 6,4 миллиард долларга, шу жумладан, экспорт 3,6 баробар — 472,3 миллион доллардан 1,7 миллиард долларга, импорт 2,2 баробар — 2,2 миллиард доллардан 4,7 миллиард долларга ўсди. Шундай қилиб, 2024 йилда Европа Иттифоқининг Ўзбекистон ташқи савдосидаги улуши товар айирбошлашда 9,7 фоизни, экспортда 6,3 фоизни, импортда 12 фоизни ташкил этди. Европа Иттифоқи эса Ўзбекистоннинг савдо ҳамкор мамлакатлари рейтингида Хитой ва Россиядан кейин 3-ўринни эгаллади.

Шу билан бирга, 2017-2024 йилларда Ўзбекистоннинг умумий экспортида Европа Иттифоқи мамлакатлари улуши 3,8 фоиздан 6,3 фоизга ошганини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу эса иқтисодиётимизнинг рақобатбардош мавқеи мустаҳкамланганидан далолат.

Бу жиҳатдан 2023 йил якунларини 2024 йил билан таққослаш қизиқарли бўлиши мумкин. Ушбу муддатда ЕИ билан товар айирбошлаш 5,2 фоиз ўсиб, 6,4 миллиард долларга, экспорт эса бирданига 26,9 фоиз ошиб, 1,7 миллиард долларга етган бўлса, импорт ҳажми ўзгармаган ва 4,7 миллиард доллар даражасида қолган. Бу Ўзбекистон учун жуда ижобий омилдир, чунки 500 миллиондан ортиқ аҳолига эга Европа Иттифоқи дунёдаги энг йирик бозорлардан бири ҳисобланади.

Европа Иттифоқига экспортни оширишда Ўзбекистоннинг GSP+ бенефициар мамлакатлар гуруҳига қўшилиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Натижада ўзбек товарлари ЕИ бозорига тахминан 6200 тариф линиялари бўйича божсиз кириш имкониятига эга бўлди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда GSP доирасидаги имтиёзлардан фойдаланиш даражаси анча юқори.

Ўзбекистон GSP+ бенефициари сифатида GSP томонидан қамраб олинадиган маҳсулотлар тўпламларига тарифларнинг тўлиқ бекор қилиниши ҳисобига қўшимча иқтисодий фойда олади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат экспорти ўсишига ва қўшимча инвестицияларни жалб қилишга хизмат қилади. Барқарор ривожланиш соҳасидаги GSP+ мажбуриятлари Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий ҳамкор сифатидаги мақомини янада мустаҳкамлайди.

GSP+ имтиёзлари билан қамраб олинган Ўзбекистондан импорт ҳажми 2019 йилдаги 100 миллион евродан 2023 йилда 392 миллион еврогача ўсди. Бу сезиларли ўсиш ЕИ билан савдога имтиёзлар тизими қандай таъсир қилаётганини кўрсатади.

Ўзбекистондан импортнинг GSP+ преференциялари билан қамраб олинган улуши 59 фоизни ташкил этади. Преференциялардан фойдаланиш даражаси 84 фоизга етгани муҳим аҳамиятга эга. Бу эса имтиёзларни қўллашнинг юқори даражасидан далолат беради ва савдо алоқалари яхшиланган ва GSP+ тизими тақдим этаётган имкониятлардан фаолроқ фойдаланиш билан боғлиқ.

Белгиланган имтиёзлардан энг кўп фойда кўрадиган маҳсулот сегментлари тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим-кечак, пластмасса буюмлар, шунингдек, мевалар, ёнғоқ ва сабзавотлардир.

Хусусан, 2024 йил якунлари бўйича ЕИ мамлакатларига ўзбек экспортининг асосий қисмини кимё (52,1 фоиз), шунингдек, тўқимачилик маҳсулотлари, қора ва рангли металлардан ясалган буюмлар, минераллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари (сабзавот, мевалар, зираворлар, ёнғоқлар ва бошқалар) ташкил этган. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида экспорт бўйича савдо ҳамкорлари орасида биринчи ўринни Франция (52,1 фоиз), иккинчи ўринни Литва (10 фоиз), учинчи ўринни эса Латвия (6,9 фоиз) эгаллади.

Агар Ўзбекистоннинг ЕИ мамлакатларидан импорти масаласига тўхталадиган бўлсак, у экспортдан сезиларли даражада юқори, бу эса иқтисодиётимизни технологик модернизация қилиш заруратидан келиб чиқадиган ўзаро савдо тузилмаси билан боғлиқ. Ўзбекистоннинг машиналар, асбоб-ускуналар ва транспорт воситалари бўйича умумий импортининг 16 фоиз атрофидаги қисми ЕИ мамлакатларига тўғри келади. 2024 йилда ушбу позициялар, шу жумладан, учиш аппаратлари, шунингдек, электротехника маҳсулотлари, асбоблар ва тиббий асбоб-ускуналар ЕИ мамлакатларидан Ўзбекистон импортининг қарийб 50 фоизини ташкил этди.

Сўнгги йилларда Европа Иттифоқи мамлакатлари билан инвестициявий ҳамкорлик анча жадал ривожланмоқда. Хусусан, 2024 йилда ЕИдан хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми (ЕИ мамлакатлари молия институтларини ҳам ҳисобга олган ҳолда) 77 фоиз ўсиб, 4,1 миллиард долларни (2023 йилда — 2,3 миллиард доллар) ташкил этди. Инвестициялар бўйича энг фаол давлатлар сирасига Германия (1,37 миллиард доллар), Нидерландия (1,05 миллиард доллар), Кипр (858,9 миллион доллар), Чехия (137,8 миллион доллар), Италия (99,8 миллион доллар), Швеция (97,5 миллион доллар) кирди. Айни пайтда Ўзбекистонда ЕИ мамлакатлари капитали иштирокида минтга яқин корхона, шу жумладан, Германия капитали иштирокидаги 201 корхона фаолият кўрсатмоқда.





ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Агар Самарқанддаги саммит билан боғлиқ кутилмалар ҳақида гапирадиган бўлсак, унда Ўзбекистон ва Европа мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш соҳасидаги натижалардан келиб чиқиб, ҳамкорликнинг қуйидаги устувор йўналишлари бўйича жараёнлар динамикаси тезлашишини кутиш мумкин.

Кооперация ва инвестициявий ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш секторини Европанинг йирик трансмиллий компанияларининг глобал қиймат занжирига интеграция қилиш мақсадида Европа Иттифоқининг етакчи инвестор мамлакатлари билан кооперация алоқаларини кенгайтириш долзарб аҳамиятга эга. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг Францияга яқиндаги давлат ташрифи чоғида муҳим минерал хомашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва бошқа соҳаларда умумий қиймати 6,5 миллиард евро бўлган қўшма лойиҳаларни кўзда тутувчи Инновацион ва саноат ҳамкорлиги қўшма дастури амалга оширилди.

Кооперация ва инвестициявий ҳамкорликнинг энг истиқболли йўналишлари энергетика, айниқса, қайта тикланадиган энергия, кимё, фармацевтика, тўқимачилик, электротехника тармоқлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, транспорт логистикаси ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Европа давлатлари бир-биридан узоқда жойлашгани сабабли **транспорт ва логистика масалалари** янада самарали ҳамкорликни йўлга қўйишда асосий ўрин тутади. Шу сабабли Россия орқали транспорт йўналишларидан фойдаланишда юзага келган қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда Европа мамлакатлари бозорларига кириш имкониятини кенгайтириш мақсадида самарали транспорт-логистика йўлакларини яратиш ва биринчи навбатда, транскаспий мультимодал йўналишини ривожлантириш жуда муҳим.

“Глобал дарвоза” Европа халқаро ташаббусининг мақсад ва вазифаларини инобатга олган ҳолда Европа давлатлари билан транспорт ва коммуникацияларнинг ўзаро боғланишини ривожлантириш мақсадга мувофиқ, унинг доирасида Европа Иттифоқи 2027 йилгача инфратузилма лойиҳаларига, асосан, ривожланаётган мамлакатларга қарийб 340 миллиард доллар сармоя киритишни режалаштирмоқда.

Европа Иттифоқи томонидан Ўзбекистонга берилган GSP+ умумий преференциялар тизимининг бенефициар мақоми доирасида **Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт ҳажмини янада ошириш**. Хусусан, мева-сабзавот (янги ва қуритилган мевалар, ёнғоқ, помидор ва бошқалар), тўқимачилик маҳсулотлари, хусусан, тайёр кийим-кечак, шунингдек, айрим турдаги саноат товарлари экспортини ошириш имкониятлари мавжуд. GSP+ мақоми имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш учун экспорт қилинадиган маҳсулотларни Европа стандартлари асосида сертификатлаш бўйича лабораториялар яратиш учун Европа Иттифоқи томонидан техник кўмакни кенгайтириш зарур.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича музокаралар жараёни доирасида европалик мутахассислардан техник ёрдам олиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида илгари сурилган **кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимнинг кучга киришини тезлаштириш**. Битим янги йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришни назарда тутади.

Хусусан, иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик, энергетика, транспорт, атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши, рақамли иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқларни ривожлантириш, бандлик ва ижтимоий масалалар, илмий тадқиқотлар каби қатор муҳим йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш кутилмоқда.

Самарали бошқарув ва рақамли трансформация, инклюзив, рақамли ва яшил ўсиш, ақлли, экологик тоза қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини ривожлантириш каби устувор йўналишлардаги лойиҳаларни молиялаштиришни назарда тутувчи Европа Иттифоқининг Ўзбекистонни ривожлантиришга қаратилган 2021-2027 йилларга мўлжалланган молиявий ёрдам дастури доирасида **молиявий ёрдамдан самарали ва мақсадли фойдаланиш**.

Европа Иттифоқи мамлакатлари компанияларининг **Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини ривожлантириш,** шу жумладан, европалик сайёҳларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда жалб этиш. Бу эса мамлакатимизга визасиз кириш йўлга қўйилган Европа Иттифоқи мамлакатларидан сайёҳлар оқимини оширишга хизмат қилади.

Хулоса

Шундай қилиб, Европа Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари қўлами анча кенг. Ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга қўшимча туртки бериши ва уни модернизация қилиш жараёнларини жадаллаштириши мумкин.

Аммо шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳозирги вақтда геосиёсий вазият туфайли Европа иқтисодиёти жиддий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Буни яқинда Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта тасдиқлади. **“Биз тартибсизлик ва бўлиниш кучайган дунёда яшаяпмиз. Европа Иттифоқи учун ягона тўғри йўл мустаҳкам ҳамкорликлар ўрнатиш орқали тинчлик ва фаровонликни таъминлашдир. Кўп қутбли дунё шароитида янада фаол ва йўналтирилган ҳамкорлик зарур. “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити халқаро ҳуқуқни тўлиқ ҳурмат қилган ҳолда тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланиш йўлида ҳамкорликни мустаҳкамлашга бўлган қатъий ниятимизни тасдиқлайди”**, деди у.

Ўзаро қарорлар қабул қилишдан икки томон ҳам манфаатдор. Бу саммитда қабул қилинган қарорлар Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга ижобий ҳисса қўшишидан далолат беради.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ШЕРИКЛИК ВА ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК САРИ

2025 йил 4 апрель куни Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити бўлиб ўтади. Мазкур тадбир муҳим сиёсий воқеага айланади ва икки минтақа ўртасидаги муносабатларда янги босқични бошлаб беради.

Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи раҳбарларининг 2022 ва 2023 йилларда Остона ва Чўлпонота шаҳарларида бўлиб ўтган учрашувлари ушбу форматни институционализация қилишнинг муҳим шарти бўлди. Самарқанд саммити ўтказилиши Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганидан, шунингдек, икки томонлама мулоқотнинг юқори аҳамияти борлигидан далолат беради.

Олий даражадаги “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматини йўлга қўйиш ташаббуси 2022 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг Остонадаги учрашуви чоғида илгари сурилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Бу ташаббус Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий доктринасига мос келади, унда Марказий Осиёни бирлаштириш, шунингдек, минтақада барқарор ривожланишга, жумладан, самарали халқаро ҳамкорликни ривожлантириш орқали эришишга қаратилган саъй-ҳаракатлар устувор ҳисобланади.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсати туфайли Марказий Осиёда бошланган интеграция жараёнлари Европа Иттифоқининг минтақа билан кўп қиррали ҳамкорликни фаоллаштиришга қизиқиши ортишига хизмат қилди. 2019 йилда Европа Иттифоқининг минтақа давлатлари билан ўзаро ҳамкорлиги учун янги сиёсий асос яратган ЕИнинг Марказий Осиё бўйича янгиланган стратегияси қабул қилиниши бунинг далилидир. Янгиланган стратегия Европа Иттифоқи сиёсатини минтақада очилаётган янги имкониятларга мослаштириб, унинг стратегик аҳамияти ортиб бораётганини кўрсатди.

Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари раҳбарларининг Остонадаги биринчи учрашувидан кейинги қисқа вақт ичида конструктив сиёсий мулоқот ва кўп қиррали шерикликни ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё — Европа Иттифоқи ўзаро боғлиқлик конференцияси бўлиб ўтди. Унда рақамлаштириш, транспорт коммуникациялари, энергетика ва сув ресурсларини бошқариш соҳаларида, жумладан, Европа Иттифоқининг “Глобал дарвоза” стратегияси доирасидаги лойиҳаларни илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Марказий Осиёда касб-ҳунар таълими ва барқарор энергия тизими соҳасида қатор муҳим минтақавий лойиҳалар амалга оширилди. Фуқаролик жамияти форуми, Иккинчи иқтисодий форум ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчилари кенгашининг йиллик йиғилиши муваффақиятли бўлиб ўтди. Мунтазам равишда вазирлар даражасидаги учрашувлар, шунингдек, сиёсий ва хавфсизлик масалалари бўйича Марказий Осиё — Европа Иттифоқи юқори даражадаги мулоқотлари ўтказиляпти. Ушбу воқеалар томонларнинг ўзаро манфаатли мулоқотда сифат ўзгаришларига интилишларини намойиш этади.

> **“ Бўлажак саммит якунлари Марказий Осиё давлатлари учун ҳам, Европа Иттифоқи учун ҳам кенг истиқболларни очиб бериши, иқтисодий, инвестиция ва гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш, савдо имкониятларини кенгайтириш ва икки минтақанинг барқарор ривожланиши, барқарорлиги ва фаровонлигига ҳисса қўшадиган қўшма ташаббусларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратиши кутилмоқда.**

Ўзбекистон Марказий Осиё — Европа Иттифоқи кўп томонлама форматида фаол позицияни эгаллаб, айни пайтда икки томонлама муносабатларни ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичига олиб чиқмоқда.

“Биз Европа Иттифоқининг минтақа очиқлигини таъминлаш, унинг равнақи ва субъектлигини мустаҳкамлашга қаратилган интилишларимизни қўллаб-қувватлаётганини юксак қадрлаймиз, — деди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқандда бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити олдидан “Euronews”га берган интервьюсида. **— Айниқса, Европа Иттифоқи Марказий Осиёни барқарор ва жадал ривожланаётган, барча манфаатдор томонлар билан очиқ ва тенг ҳуқуқли шерикликка тайёр бўлган минтақага айлантиришдек мақсадимизда биз билан ҳамфикр экани жуда муҳимдир”.**

2016 йилдан бошлаб мамлакатимиздаги сиёсий ўзгаришлар янада яқин халқаро ҳамкорликка йўл очиб, инвестиция ва тараққиёт учун шарт-шароитларни яхшилашга хизмат қилар экан, Европа Иттифоқи Ўзбекистонда янада инклюзив иқтисодий ўсишга эришиш ва фуқаролар ҳаётини яхшилаш учун муҳим бўлган йирик ўзгаришларни қўллаб-қувватламоқда.

2018 йилда Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўйича музокараларни бошлади, бу муносабатларни модернизация қилиш ва чуқурлаштиришдан умумий манфаатдор эканини намойиш этди. Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим 2022 йил июль ойида парафинланган бўлиб, у 1996 йилда имзоланган амалдаги келишув ўрнини эгаллайди ва муносабатлар кўламини ҳам иқтисодий, ҳам бошқа соҳаларда кенгайтириб, бугунги кун воқелигига мослаштиради.

Амалга оширилаётган туб ислоҳотларни эътироф этган ҳолда мамлакатимизга 2021 йил 10 апрелда Европа Иттифоқининг GSP+ бенефициари мақоми берилди, бу янги иқтисодий ва савдо имкониятларини очди.

Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг 2022 йил октябрь ойида Ўзбекистонга ташрифи Ўзбекистон — Европа муносабатлари тарихидаги муҳим воқеа бўлди. Унда икки томонлама ҳамкорликнинг асосий масалалари, жумладан, Европа Иттифоқининг ислоҳотларни қўллаб-қувватлаши, гендер тенглик, савдо ва сармоявий соҳаларда муваффақиятли шериклик муносабатлари муҳокама қилинди.

Икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини олий даражадаги ўзаро ташрифлар динамикаси ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Франция (2018 йил октябрь, 2025 йил март), Германия (2019 йил январь, 2023 йил май), Италия (2023 йил июнь)да бўлди. Ўз навбатида, Европа етакчилари ҳам Ўзбекистонга расмий ва давлат ташрифлари билан келдилар. Франция Президенти Эммануэль Макрон (2023 йил ноябрь), Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер (2023 йил май), Италия Президенти Сержо Маттарелла (2023 йил ноябрь), Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц (2024 йил сентябрь) ташриф билан юртимизда бўлди.

Ушбу ташрифлар натижасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди, уларнинг умумий қиймати ўн миллиард доллардан ошади.

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон учун 2021-2027 йилларга мўлжалланган Кўп йиллик индикатив дастури қабул қилиниши ЕИ билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Бу рақамлаштириш, “яшил иқтисодиёт”, энергия самарадорлиги ва сувдан фойдаланиш каби соҳаларда ҳамкорлик учун янги уфқларни очди.

Мазкур дастурлар доирасида гуманитар лойиҳалар ҳам фаол ривожланмоқда, жумладан, Лувр ва Берлиндаги Янги музей билан маданий алмашув ва ҳамкорлик Ўзбекистоннинг бой маданий меросини халқаро майдонда намойиш этиш имконини бермоқда.

Сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, сармоявий, туризм, маданий-гуманитар соҳаларни қамраб олган ушбу муваффақиятли шериклик Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги муносабатлардаги сифат ўзгаришларини тасдиқлаб, Марказий Осиёнинг халқаро майдонда муҳим ва истиқболли минтақа сифатидаги нуфузини оширмоқда.

“Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитининг Ўзбекистонда, тарихий Самарқанд шаҳрида ўтказилиши мамлакатимизнинг минтақа бўйлаб интеграция жараёнларидаги роли ҳамда Марказий Осиё+ платформаларида минтақавий ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларининг эътирофидир.

Бўлажак саммит якунлари Марказий Осиё давлатлари учун ҳам, Европа Иттифоқи учун ҳам кенг истиқболларни очиб бериши, иқтисодий, инвестиция ва гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш, савдо имкониятларини кенгайтириш ва икки минтақанинг барқарор ривожланиши, барқарорлиги ва фаровонлигига ҳисса қўшадиган қўшма ташаббусларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратиши кутилмоқда.

“Дунё” АА

Буюк ўзбек йўли



> ДЎСТЛИК РАМЗИ МИНТАҚА МАМЛАКАТЛАРИ, ХУСУСАН, ЎЗБЕКИСТОН, ТОЖИКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОННИНГ МИНТАҚА ВА ЖАҲОНДАГИ ГЛОБАЛ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ЯГОНА ПОЗИЦИЯДА ТУРГАНИ, ЯЪНИ БУГУН УЛАР ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ЯГОНА СУБЪЕКТИГА АЙЛАНГАНИГА ИШОРА ҲАМДИР. ЧУНКИ ДЎСТЛИК ТУЙҒУСИ СИЗУ БИЗ ЎЙЛАГАНДАН ҲАМ КЕНГРОҚ ВА ҚАДРЛИРОҚ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ДЎСТЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК АСОСЧИСИ

Акбаршоҳ ТЕШАБОЕВ,
Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йилдан бошланган ташқи сиёсий фаолият концепциясида **Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш** энг устувор вазифа этиб белгиланган. Хусусан, **Президентимиз 2017-2024 йилларда минтақа мамлакатлари манфаати нуқтаи назаридан 260 га яқин муҳим ва долзарб таклиф ҳамда ташаббус, эзгу ғояларни илгари сурди**. Уларни икки йўналишда таҳлил қилиш мумкин.

Биринчи йўналишдан Марказий Осиё давлатлари ўртасида дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро савдо-сотиқ борасида енгилликлар жорий этиш, минтақада энергетика хавфсизлигини таъминлаш, логистик имкониятларни ошириш, илмий, маданий, санъат каби **20 дан зиёд истиқболли соҳа**да ҳамкорлик қилишга қаратилган **150 га яқин таклиф ва ташаббус** ўрин олган.

Иккинчи йўналиш бўйича минтақа давлатлари ва бошқа мамлакатлар ўртасида алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш, инвестиция жалб этиш, минтақанинг тарихий савдо маркази сифатидаги мақомини қайта тиклаш, маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш имкониятини ошириш, ҳудуддаги давлатларнинг муаммоларини ҳал этишда биргаликда ҳаракат қилишга қаратилган **110 га яқин таклиф** билдирилган.

2025 йилда Президентимизнинг жуда тиғиз фаолияти кун тартибидан **минтақада тинчликни мустаҳкамлаш, турли соҳаларда минтақа давлатларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга доир эзгу ташаббуслар ўрин олган**ини таъкидлаш керак.

Давлатимиз раҳбари бугун минтақанинг жаҳон майдонидаги нуфузини янада ошириш ва мустаҳкамлаш, унинг замонавий дунёдаги **“бошқаларда мавжуд бўлмаган имкониятлари”ни ишга солиш**, минтақанинг иқтисодий, маданий, инвестициявий ва сайёҳлик жозибадорлигини ошириш борасида жуда улкан хизмат қилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН: ИШОНЧЛИ ДЎСТ ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛАР

Тожик халқи — биродарларимиз. Тўй ва маросимларимиз, тадбирларимизда, албатта, биз уларникида, улар эса бизникида иштирок этади. Бу ўзаро яқинлик, дўстлик дейилади.

Президентимизнинг Тожикистонга амалий ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашда қатор **ижобий жиҳатлари** билан олдингиларидан ажралиб турди:

биринчи ижобий жиҳати: ташрифнинг **муборак Рамазон ҳайити вақтига тўғри кел**гани**дир**. Дини ва эътиқоди бир бўлган халқлар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашда самимий тилак ва ниятлар ижобат бўладиган вақт муҳим аҳамият касб этади;

иккинчи ижобий жиҳати: ташриф давомида **Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома кучга кирганидир**. Бу тарихий улуғ ниятнинг қалблардан амалий майдонга кўчишини англатади. Ташқи ишлар вазирларининг ратификация ёрлиқларини алмашгани ҳам рамзий аҳамиятга эга бўлиб, **иттифоқчи дўстлар ўртасидаги юксак ишончнинг ҳуқуқий ва сиёсий тимсоли**дир;

учинчи ижобий жиҳати: **10 га яқин соҳада қўшма лойиҳаларни тезлаштириш** бўйича давлат раҳбарлари ўзаро фикр алмашгани. Бунинг натижаси ўлароқ, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги каби муҳим соҳалар бўйича ҳамкорлик янада жадаллашадиган бўлди;

тўртинчи ижобий жиҳати: жаҳондаги муҳим масалалар бўйича иккала давлат раҳбарлари якдил позицияда экани юзасидан сиёсий бирлик яна бир бор тасдиқланди.

Келинг, шу ўринда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорликка доир муҳим нуқта ва чизгиларни таҳлил қилсак:

биринчи муҳим нуқта: ***ўзаро товар айирбошлашдаги эркинлик*****. Натижада 2024 йил**да ўзаро товар айирбошлаш қиймати **700 миллион доллардан ошди**;

иккинчи муҳим нуқта: ***иқтисодий самарадорликка элтувчи кооперация лойиҳалари натижадорлиги.***

Бундай лойиҳалар, асосан, **бешта муҳим соҳа** ва **тармоқда**, жумладан, саноат, энергетика, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалигида муваффақиятли амалга оширилмоқда;

учинчи муҳим нуқта: ***ҳудудлараро ҳамкорлик йўлга қўйилгани.*** Президентимиз бу борада 2017-2024 йилларда жами **12 маротаба ҳудудлараро ҳамкорлик ўрнатиш, ҳудудлараро форумлар ташкил этиш бўйича амалий таклиф**ни илгари сурган.

Мазкур форумлар дўст халқлар ўртасида юзага келган “музлик”ларни бутунлай парчалаб ташлади. **Яна қариндошлик, ҳамкорлик ва шериклик эшиклари очилди**. Сиёсатда бир қоида бор: **“Яхши қўшни билан очиқ юзлилик юз йиллик истиқболнинг кафолатидир”;**

тўртинчи муҳим нуқта: ***фаол маданий-гуманитар алмашинув йўлга қўйилгани.***

Ўзбеклар ва тожиклар — маданияти, санъати ва адабиёти ўзаро ўхшаш бўлган халқлар. Халқаро алоқаларни тутиб турувчи ва сайқалловчи жиҳат **маданий ҳамкорлик**дир. Сўнгги йилларда икки давлат ҳамда ҳудудлар ўртасида қарийб **100 га яқин маданий ва гуманитар алмашинув** амалга оширилди. Айниқса, илм-фан соҳасида олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида олдин мутлақо бўлмаган яқин алоқалар ўрнатилди ва ривожланиб бормоқда.

Ташриф давомида бир жиҳат менда жуда катта таассурот қолдирди: **Президентимизни Эмомали Раҳмоннинг ўзи Тожикистон остонасида кутиб олди, юзидаги самимият, эъзоз ва қадр — булар фақат энг яқин ва энг ишончли дўстларгагина кўрсатиладиган эҳтиромдир.** Янги Ўзбекистон раҳбарининг халқаро майдонда, айниқса, қўшнилар томонидан мана шундай самимий эъзозланиши замирида, аввало, улуғ халқимизга меҳр ва дўстлик мужассам, десак адашмаган бўламиз.

ОРЗУЛАР АМАЛГА ОШГАН ТАРИХИЙ УЧРАШУВ: ЯНГИ МУНОСАБАТЛАР МАКОНИ ЯРАТИЛДИ

2025 йил 31 март ўзбек, тожик ва қирғиз халқлари тарихида муҳим сана сифатида муҳрланадиган бўлди. Нега дейсизми? Унда қуйидаги тарихий натижаларга эътибор беринг:

биринчи тарихий натижа: *айнан шу куни йиллар давомида огриқли савол бўлиб қолаётган аксарият масалалар ўзининг узил-кесил ижобий ечимини топди. Мана шулардан бири чегара масаласидир;*

иккинчи тарихий натижа: *айнан шу куни уч давлат ўртасида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди.*

Давлат чегараси ҳар бир минтақадаги муҳим масалалардан. Чунки чегара бу — хавфсизлик, дегани, чегара — давлат, дегани. Муайян макон ёки ҳудудсиз давлат ҳокимиятини тасаввур этиб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда чегараларни очиш, чегара ҳудудларни саноатлаштириш, маъмурий божхона тизимини соддалаштириш, ягона виза тизимини жорий этиш, чегараларда маданий тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ 10 дан зиёд таклифни илгари суриб келмоқда. Мазкур шартноманинг имзоланиши ҳам аслида бундан **7 йил олдин Президентимиз томонидан илгари сурилган таклифларнинг амалдаги рўёби**.

Чегаралар очилиши натижасида тарихи, дини, тили ҳамда қадриятлари бир ва ўхшаш бўлган **дўст ва қардош халқлар ўртасидаги муносабатлар қайта тикланди, сўнган умидларга қайтадан ҳаёт бахш этилди**. Чегаралар очилиши, транспорт қатновлари қайта йўлга қўйилиши, чегараолди ҳудудларда савдо-иқтисодий марказлар ташкил этилиши, фаол маданий-гуманитар ҳамкорлик натижасида минтақа халқларининг эртанги кунга



умиди қайтди, узилган қариндошлик алоқалари тикланди.

Жорий йилнинг дастлабки икки ойида Ўзбекистонга келган сайёҳларнинг энг кўпи, яъни **422 минг 591 нафари Қирғизистон** ва **401 минг 377 нафари Тожикистон** фуқаролари ҳиссасига тўғри келган. Бу кўрсаткич **800 мингдан зиёд биродаримиз** зиёрат қилиш, бориб кўриш учун муқаддас заминимизни муносиб топгани, яратилган имкониятлар, очиқ чегаралар орқали қалбларимиз ҳам ўзаро яқинлашганига рамзий ишора эмасми?! Айнан шундай!

Имзоланган янги шартнома эса халқларимиз ўртасидаги чегара билан боғлиқ масала юзасидан узил-кесил якдил қарорнинг ҳуқуқий асосидир. Қисқаси, **Хўжанддаги чегарага доир келишув қалбларимизда янги ният ва орзулар туғилишига, тарихий ишончнинг қайтишига сабаб бўлди;**

учинчи тарихий натижа: *уч давлат раҳбарлари томонидан Дўстлик стеласи очилди.*

Аслида, Дўстлик стеласи қардошлик, ишонч ва стратегик шерикликнинг олий рамзидир. Нега рамз деяпмиз? Чунки **у халқларимиз ўртасида йиллар давомида шаклланган қиймати тенгсиз туйғулар ва ҳурматнинг келгуси юз йилларга қадар сақланишига ишорадир.**

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, дўстлик рамзи **минтақа мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг минтақа ва жаҳондаги глобал масалалар юзасидан ягона позицияда тургани**, яъни бугун улар **халқаро ҳуқуқнинг ягона субъекти**га айланганига ишора ҳамдир. Чунки дўстлик туйғуси сизу биз ўйлагандан ҳам кенгроқ ва қадрлироқ.

Сиёсий нуқтаи назардан қараганда, бундай натижага эришиш жуда мушкул! **Бироқ давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб иш юритиши, сиёсий донолиги, оқилона ҳамда пухта ўйланган ташқи сиёсати ва самимий мулоқоти натижасида минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар тарихий жиҳатдан ўзининг энг гуллаган даврига кириб келди**;

тўртинчи тарихий натижа: *минтақа учун долзарб аҳамиятга эга нуфузли* ***4 та халқаро тадбир****, яъни “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити, минтақадаги умумий экологик таҳдидларга бағишланган Иқлим форуми, “Кўрфаз араб давлатлари — Марказий Осиё” олий даражадаги навбатдаги саммити ҳамда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви кун тартиби, ундаги муҳим масалалар юзасидан ҳам келишувларга эришилди. Бу борада мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилгани ҳамкорлигимизга янада амалий руҳ бағишлайди.*

Жумладан, “Кўрфаз араб давлатлари — Марказий Осиё” олий даражадаги саммитига эътибор қаратсак. 2023 йилда биринчи бор ўтказилган саммит доирасида Президентимиз томонидан **бешта асосий ва иккита кичик йўналиш бўйича билдирилган 10 га яқин таклиф** натижасида Араб ва Марказий Осиё давлатлари ҳамда халқларига жуда катта иқтисодий ва маданий ютуқлар яратилмоқда. Мисол учун, араб давлатларининг дунё тан олган ишбилармонлари билан ҳамкорлик натижасида минтақанинг энергетика салоҳияти ошиб бормоқда. ACWA Power, Masdar, Mubadala, TACA, Nebras Power каби етакчи компаниялар билан ҳамкорлик бунга ёрқин мисол.

Шунингдек, туризм, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, транспорт занжирларини

> БУГУН ДУНЁДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН ТАҲЛИКАЛИ, МУРАККАБ ВАЗИЯТЛАРДА ОМОН ҚОЛИШНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДИР.

яратиш борасида ҳам қатор ютуқларга эришилмоқда;

бешинчи тарихий натижа: *чегаралардаги божхона пунктларини комплекс модернизация қилиш ва кенгайтириш, қулай, замонавий савдо ва логистика инфратузилмасини шакллантириш борасида қатор муҳим режалар келишиб олинди.*

Нима учун бу масала алоҳида муҳокама қилинди? Чунки чегарадаги савдо муҳити ўзаро товар айирбошлаш ҳамда иқтисодий ҳамкорликда бош асос бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Қирғизистон ва Тожикистон билан товар айирбошлаш ҳажми **ўн каррадан зиёд** ошган, ушбу кўрсаткичнинг деярли ярми чегараолди ҳудудларга тўғри келади.

Тадбиркор учун чегарада туриб ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз маҳсулотини реализация қилиш муҳим. Бунда тадбиркор ҳам вақтдан ютади, ҳам нақдини олиб, ўз йўлида давом этади.

Президентимизнинг тарихий саъй-ҳаракатлари билан минтақа ягона иқтисодий маконга айланди. Яъни мавжуд иқтисодий салоҳиятнинг секин-асталик билан ишга туширилиши, хусусан, чегараларда савдо марказлари ташкил этилиши ҳамда иқтисодий салоҳият ва кучларнинг бирлашуви, ўзаро савдода имтиёзларни тақдим этиш минтақа бозорининг тўкинлиги, нарх-наво барқарорлиги, экспорт ҳажмининг кескин ортиши, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши каби ижобий натижаларга олиб келди.

Президентлар томонидан ушбу масаланинг алоҳида муҳокама қилиниши юқоридаги ютуқларнинг келгусидаги ривожи учун жуда муҳим;

олтинчи тарихий натижа: *саноат кооперацияси лойиҳаларини молиялаштиришни давом эттириш борасидаги имкониятлардан унумли фойдаланиш муҳокама қилинди.*

Президентимиз бу борада қўшма **инвестиция жамғармалари капиталини босқичма-босқич ошириш** борасидаги таклифни илгари сурганига эътибор қаратсак.

Ушбу таклифнинг амалга оширилиши:

биринчидан, муайян соҳани зарур маблағ билан тезкор таъминлаш имконияти яратилади. Бу эса дунё бозоридаги энг қиммат товар — вақтни тежаш ва ундан самарали фойдаланишга хизмат қилади;

иккинчидан, қўшма инвестиция ресурслари орқали минтақа бозоридаги муайян маҳсулот ёки товарга эҳтиёж таъминланади. Бу дегани, **катта ҳудуддаги 82 миллиондан зиёд халқнинг эҳтиёжини қаноатлантириш учун етарли имконият** яратилади;

учинчидан, фаол реализация орқали пулнинг минтақадан ташқарига чиқиб кетишининг олди олинади. Бу дегани, минтақада замонавий кооперация муҳитини шакллантириш борасидаги имконият ортади;

тўртинчидан, минтақада янги иш ўринлари очилиши ҳамда янги касб эгалари авлоди шаклланишига эришилади.

Бугун мамлакатимиз ишбилармонлари Тожикистон ва Қирғизистоннинг замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга фаол сармоя киритмоқда. Бу борадаги иқтисодий кучлар бирлаштирилса, Президентимиз айтганидек, минтақа халқларининг турмуши янада фаровон бўлади, эртанги кунга ишончи ортади;

еттинчи тарихий натижа: транспорт алоқаларини ривожлантириш борасидаги ишларни давом эттиришга келишиб олинди.

Энди бу борадаги ишлар **икки муҳим йўналиш**да бажарилади:

биринчи йўналиш: авиақатновлар сони кўпайиши ва географияси кенгайиши;

иккинчи йўналиш: чегараолди ҳудудлардаги шаҳарлар ўртасида **янги автобус йўналишлари** йўлга қўйилиши.

Бу ишлар халқларимиз ўртасидаги бордикелди муносабатлари, хусусан, туризмнинг янада ривожланишига ҳисса қўшади.

Марказий Осиёнинг логистика жозибадорлиги асосчиси, ҳеч шубҳасиз, Президентимиз. Хусусан, ўтган йилларда **минтақа логистикасини бугунги замонавий шароитларга мослаштириш, минтақанинг транспорт секторини рақамлаштириш, логистика соҳасидаги компаниялар ва ходимлари салоҳиятини ошириш**га доир ўнлаб ташаббус айнан давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ва бугун улар бўйича амалий ютуқларга эришилмоқда;

саккизинчи тарихий натижа: “яшил” энергетика, сув ва экология дастурларини илгари суриш ва амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилгани учрашувнинг минтақа халқлари тақдиридаги аҳамиятини янада оширди.

Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон раҳбарияти олдин ҳам қарийб 20 га яқин таклифни илгари сурган. Улар бўйича бугун қатор тузилмалар ташкил этилган, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва дастурлар йўлга қўйилган.

Жумладан, минтақада **сув тақчиллигининг олдини олиш**, **сувдан оқилона фойдаланиш**, тўхтаб қолган муҳим йирик сув лойиҳаларини амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар асосида бажарилаётган ишлар ва эришилаётган ютуқлар шулар натижасидир.

“Яшил” энергетикасиз минтақа ва давлатларнинг келажагини тасаввур қилиш қийин. Шу сабабли ҳам Хўжанддаги учрашувда ушбу масалага жиддий эътибор қаратилгани бежиз эмас;

тўққизинчи тарихий натижа: учрашувдаги Президентимиз томонидан муҳим масала илгари сурилди. Бу — **уч давлат ҳукуматлари иқтисодий йўналишда янада фаол ишлаши**га доир таклиф.

Бугунга қадар давлатларимиз ўртасида қарийб 20 га яқин соҳа ва тармоқ, ҳудудлар кесимида самарали иқтисодий ҳамкорлик қилинмоқда. Айниқса, ўзаро имтиёз ва имкониятлар натижасида мутлақо янги ишбилармонлик муҳити шаклланди.

Энди уларни янада ривожлантириш масаласига **ҳукуматлар даражасида эътибор қаратиш** ва ҳаракат қилиш вақти келгани давлатимиз раҳбари томонидан таъкидлангани ижро ҳокимиятига катта масъулият юклаш билан бирга иқтисодий фаолиятни уйғун ҳолда юритиш зарурлигини ҳам кўрсатди.

Якунда Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчилари томонидан **имзоланган қўшма декларация** учрашув давомида илгари сурилган келишувлар асносида **истиқболли ҳамкорликни янги босқичда олиб бориш имкониятини яратиб бериши**га умид қиламиз.

Шунингдек, ташриф давомида бир неча маданий тадбир ташкил этилгани халқларимиз ўртасидаги меҳр-оқибат, ўзаро яқинлик, дўстликнинг тараннум этилишига хизмат қилди. Маданий тадбирларда ижро этилган **чегара билмас санъат асарлари уч халқни келажак ҳақида биргаликда ўйлаш, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва мақсадларни уйғунлаштириб, ўзаро дўстлик деган юксак қадрият атрофида жипс бўлган ҳолда олға интилиш**га чорлади.

ИНТИЛИШИ ЎХШАШ ХАЛҚЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ БЎЛАДИ

Хўжанддаги келишувлар амалга оширилиши тупроғи, дини, тақдири бир, ташвишу қувончи ўхшаш халқларимиз келажаги учун жуда муҳим. Буни қатор жиҳатларда кўриш мумкин. Жумладан, **билдирилган таклиф ва ташаббуслар натижасида:**

— халқларимиз ўртасида **савдо-сотиқ янада фаоллашади;**

— янги соҳа ва тармоқлар ривожланади, **янги корхоналар** барпо этилиб, **иш ўринлари очилади**;


— иқтисодий кучлар бирлаштирилиб, **минтақанинг экспорт ҳажми ортади;**

— энг муҳими, халқларимиз ўртасида **ўзаро дўстлик, қариндош-уруғчилик ва меҳр-оқибат** каби туйғулар янада мустаҳкамланади.

Амалий ташриф азиз халқимиз ва жонажон юртимиз учун жуда муҳим натижаларга бой бўлди. Тараққиётимизнинг бугунги устувор йўналишлари белгиланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказишдек улкан мақсадлар белгиланган. Бундай юксак натижаларга фақат битта йўл — у ҳам бўлса, минтақадаги қўшниларимиз билан бирга эришамиз.

Бугун дунёда юзага келаётган **таҳликали, мураккаб вазиятларда омон қолишнинг ягона йўли минтақа давлатлари билан яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш**дир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда юритилаётган оқилона сиёсат — минтақа давлатлари билан дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, **“Янги Ўзбекистон” деган улуғ ғояни реалликка айлантириш борасида барчамиз бирдек ҳаракат қилишимиз** зарур.

Сўзи ўлмаганнинг ўзи ҳам ўлмас



Бошланиши 1-бетда

СЎЗ — ЗАБАРЖАД, СЎЗ — ГАВҲАР, ОЛТИН

Ибтидо

Дунёнинг энг ажиб, энг сирли ва сеҳрли саёҳатларидан бири Сўз оламига саёҳатдир. Негаки сўз яралишдан мўъжиза. Аввал сўз бўлган, дейилади муқаддас китобларда. Ҳазрат Навоий айтганлар:

Сўз келиб аввали жаҳон сўнгра,
Не жаҳонки, кавн ила макон сўнгра,
Чунки масжуд бўлса нуктаи "кун",
Бўлди мавжуд тоза, йўқса кукун.

Яъни аввал Сўз келган, Оллоҳнинг "бўл" деган нидоси келган ва майда заррачалар оламидан янги олам яралган. Агар шу илоҳий Сўз келмаганда, олам кукунлигича қолган бўларди.

Холиқи олам одамзодга идрок ва Сўз айтиш неъматини бериб, уни барча хилқатларидан устун яратди, жонли ва жонсиз оламга ҳоким қилди. Оламни идрок қилган инсон Сўзни идрок қилади. Сўзни идрок қилиб оламни янада теранроқ идрок қилади. Сўзнинг илдизига етган киши дунёнинг тагига етгандек баҳра топади. Инсоният тарихи сўзлар қисматида яшириниб ётар экан.

Оламни охиригача англаб бўлмаганидек, Сўзнинг ҳам тубига етиш имконсиздир. Биз **кўзламоқ, кўзикмоқ, кўзгу**нинг кўздан келиб чиқишини биламиз, лекин кўз нима сабабдан **кўз** дейилганини, нега уни биров **айн**, биров **чашм**, биров **глаз**, биров **ай** деб аташини билмаймиз. Нега тошни бизнинг аждод **тош** деган, бошқалар **ҳажар, санг, камень, стоун, штайн** атаганлар, бу юзлаб номлар қаердан келган, билолмаймиз. Биз фақат фаразлар қиламиз, асл ҳақиқат эса сирлар уммони тубида ётибди. Лекин барибир тинчимас идрок эгаси бўлган одамзод ғаввос бўлиб бу уммон остини кезади, кашфиётлар қилади ва кашфиётлари ҳам чексиздир.

Яна ўйласам, изланишларимиз каби ғофиллигимиз-да поёнсиз экан. Сўзни эшитамиз, сўзлашни қотирамиз, лекин Сўз мағзини чақиш аксар хаёлимизга келмайди. Нега шундай деймиз, дея ўзимизга савол бермаймиз. Бу синоат тўла олам бамисоли олисдаги юлдузлардек ноаён қолаверади. **Узум едим, "узум" дедим, билсам, токдан узиб едим,** дегандек, ўз қўлим билан ишкомдан узум узатуриб, бу сўзнинг **узмоқдан** олингани хаёлимга келган эди. Ахир **ун**ган нарсани **унум, ғуж** ўсган мевани **ғужум,** жамият **туз**илишини **тузум**, чўғнинг **қўри**дан қолган кулни **қурум** деймиз. Оғизга солиб ютганимиз **ютум**, томоқдан қулт этиб ўтган сув **қултум** бўлганидек, ишкомдан **узиб** еганимиз **узум** бўлади-да, дея ўз содда кашфиётимдан суюнган эдим.

Курайдиган қуролимиз **курак,** ички аъзо **ичак,** гул тубида турадиган идиш **тубак** — биз уни тувак деймиз. Кафтни кафтга уриш — олқиш белгиси. Чиққан товуш чапилласа **чапак,** қарсилласа **қарсак** бўлади. Буни англаш қийин эмас, лекин кўксимизда гурсиллаб урган юракни **юрак** дейиш тўғрими ёки **урак? Юрак** юрадими, урадими? Кўкрак-чи? Нега кўксимизни шундай атаймиз? **Кўксим осмон**, дегандек, бу ном кўк, яъни осмон билан боғлиқми? Ундоқ десак, эмикдош маъносида келувчи **кўкалдош** сўзидаги **кўк** ўзаги нимани англатади? Қозоқлар акани **кўка** деб чақирадилар. Бу сўзларнинг кўкракка алоқаси йўқмикан?.. Бундай жумбоқлар юзлаб, минглаб сўзларимиз замирида ётибди. Улар бизни қийнаши, уйқу бермаслиги керак. Маҳмуд Кошғарий бобомизнинг китоби ёстиғимиз остида бўлмоғи керак.

Биз табаррук қадриятларимиз тикланаётган замонда яшамоқдамиз. Истиқлол йилларида она тилимиз ривожи учун сезиларли ишлар қилинди. Лекин кўп асрлик йўқотишни саноқли йилларда тиклаш мушкул экан.

Она тили умуммиллат мулкидир. Демак, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғурмоғи керак. Унутилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш ёлғиз тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир. Эски тузум барбод бўлди. **Остановка** турганда **бекат, район** турганда **туман, вилка** турганда **санчқи** дейишга нима бор, дегувчиларнинг даври ўтди. Тилимиз секин-асталик билан бўлса-да ўзбекчалашиб бормоқда.

Адабий ижод ҳамиша Сўз оламига саёҳатдир. Ижодкор Сўзни тирик жон деб билади ва Сўз билан сўзлашади. Менинг бу ёзганларим ана шундай жонли тил билан жонли суҳбат бўлишини истайман. Умрини яшаб бўлган ва барҳаёт, мен англаган ва англаб етмаган соҳир хилқат билан кўнгил боғларида кезиб, хаёлан Сўз билан сўзлашсам, Тил билан тиллашсам дейман. Сиз, азизларимни ҳам бу сайрда ҳамроҳ бўлишга таклиф этмоқчиман. Сўз мўъжизаси қошидаги ҳайратларимга ошно қилмоқчиман.

УЧ ДАРЁДАН СУВ ИЧГАН ДЕНГИЗ

Она тилимни муаззам ва улуғ десам, эъзозлаб бошга кўтарсам, бунинг боиси ўзимники бўлгани, жонимга яқинлиги учун эмас. Шунга ишонганим, имон келтирганим учун, менинг ҳам бир-икки тилдан хабарим бўлиб, қиёслаш имкониятларим борлиги учундир.

Бир томчи шабнамдек мўъжаз ва тиниқ **элчи** деган соф ўзбекча туркий сўзда қанча ҳикмат бор!

Эл деб, **элат** деб халқни айтамиз. Яна ёв ҳеч қачон **эл** бўлмайди, деймиз. Ёмонга **элакишма** деган ўгитимиз бор. Бу ўринда **эл** дўстлик, яқинлик маъноларини билдиради. **Эл** қадимда **давлат** тушунчасини ҳам ифода қилган. **Элчи** бир халқдан, бир давлатдан бошқа юртга юборилган вакилгина эмас, балки **элни элга эл** қиладиган одам, халқлар ўртасида меҳр риштасини боғловчи, дўстлик кўпригини қурувчи ҳамдир.

Сўзнинг ўзида шахс зиммасидаги залворли юк бор. Элчи — адолат ва эзгулик йўлида ҳақ сўзни айтишга бурчли инсон.

Унинг жонига эса кафолат ҳужжати қилиб, қонундек мустаҳкам, шоҳлар ҳукмидек қатъий ҳикмат айтилган: **Элчига ўлим йўқ!**

Омонат деган ўзбекона сўзга қалб қулоғини тутинг. Қанчалар теран инсоний туйғулар бор бу сўзда. У мулк ҳақида айтилса, бировнинг омонати, жон ҳақида айтилса, Оллоҳнинг омонати. Банда учун дунё омонат, дунё учун бандaнинг ўзи омонат.

Ёғилур ҳар дам фалакдан
бошингга гарди фироқ,
Ўт равонроқким,
омонатдир басе бу эски тоқ.

Инсон бошига осмондан гард ёғилиб туради. Биз бугун бу гардни космик чанг, деймиз. Фазовий жисмларнинг Ер атмосферасида ёниб кетишидан ҳосил бўлган кул, деймиз. Бундай гардни Ҳазрат Навоий беш аср муқаддам қаёқдан билган дея ҳайрон бўлманг. Берунийлар, Улуғбеклар яшаган юртда фазо сирлари аён эди. Ҳайратга сабаб бошқа, яъни бу илмий ҳақиқатнинг фалсафий хулосаси, бадиий тимсолидир. Эй одамзод, дейдилар ҳазрат, бошингга ёққан само чанглари айрилиқ гардларидир. Томидан тупроқ ёғилган уйда узоқ туриб бўлмайди. Бундай уй — омонат. Чириган том остида яшаш хатарли. Осмонидан гард ёғилган дунёни, бу эски тоқни ҳам равонроқ, тезроқ тарк этган яхшидир. **Омонат** сўзининг маъно товланишига қаранг. Уй омонат, олам омонат.

Сўз — забаржад.
Сўз — гавҳар, олтин.
Заргарликнинг машаққати кўп.
Сўзни байтга қадашдан олдин
Кафтингга қўй, тўйиб қара, ўп!

Она тилимни севмасам, сўзларига маҳлиё бўлмасам, ҳайратланмасам, менга шоирлик қайда эди!

Офтоб чиқди, қуёш чиқди, кун чиқди,
Меҳру шамсу хуршиди гардун чиқди.

Бир замон болалар учун айтилган шу жўнгина ва ғўргина икки сатрнинг ўзида қуёшнинг олтита номини топасиз! Саноқни яна давом эттириш мумкин. Олимлар, топиб беринг, қайси тилда қуёшнинг ўндан ортиқ исми бор! Қайси тилда осмонни камалак рангларидек етти хил ном билан атайдилар? **Осмон, фалак, само, чарх, гардун, фазо, кўк**... Булар дафъатан хаёлга келганлари, холос! **Арш, даввор, мину** сингари кам ишлатиладиган хос сўзлар ҳам саналса, рўйхат янада узаяди.

Маънодош сўзларимизнинг кўплигига сабаб бор. Ўзбек тили уч дарёдан сув ичган. Диний, илмий, ижтимоий атамаларимиз асосан араб тилидан; кўпгина иш қуролларимиз: **жомадон, хокандоз, дастшу, жомашу, дазмол, қоғоз** каби ҳунармандликка оид сўзларимиз, шунингдек, юксак шеърий услубга хос суханлар форс тилидан келган. Лекин бу қатъий қоида эмас. Аксар ҳолат десак, тўғрироқ бўлади. Араб тилидан ўтган нарса ва буюм номлари ҳам тилимизда кўп: **ароба, мусаллас, истеҳком, қалам** сингари. Шунингдек, форс тилидан кирган фалсафий атамалар ҳам талайгина. **Жавонмард, сарбадор, чархи кажрафтор, оинаи Искандар** ва ҳоказо. Ҳаракат номлари асосан туркийча. Кўпгина сўзларнинг ўзбекчаси ҳам, арабчаси ҳам, форсчаси ҳам тилимизда баробар ишлатилади. Арабча **Оллоҳ** ёнида форсча **худо,** туркий **тенгри** сўзларимиз бор. **Юрак** ҳам, **қалб** ҳам, **дил** ҳам деймиз. Арабча **исм,** форсча **ном,** ўзбекча **от** — учови ҳам ўзимизники. **Тил, забон, лисон** бизда шу сабабдан беқиёс бой ва рангин.

> **Она тилимни муаззам ва улуғ десам, эъзозлаб бошга кўтарсам, бунинг боиси ўзимники бўлгани, жонимга яқинлиги учун эмас. Шунга ишонганим, имон келтирганим учун, менинг ҳам бир-икки тилдан хабарим бўлиб, қиёслаш имкониятларим борлиги учундир.**



Алишер Навоий туркий тилдаги юзта ҳаракат номи, яъни феълларни санаб, форс тилида уларнинг муқобили йўқ эканини айтганлар ва туркий тилимизнинг бойлиги, қудратини намойиш этганлар.

Қадимда туркий тил оддий халқ тили ҳисобланган. Аскарликка оддий халқдан олингани учун ва феъл ўзаклари **тур, ёт, юр, от, чоп** сингари асосан бир бўғинли сўзлардан таркиб топгани ва буйруқ беришга қулайлиги боис ҳарбий тил туркча бўлган.

"Темур тузуклари"ни бизга етиб келган форс тилидаги матндан ўзбекчага таржима қилар экан, Алихонтўра Соғуний "Мен таржима қилмадим, балки асл тилига қайтардим", деган эдилар ва мисол тариқасида **тингчи, буронғор, жувонғор** каби туркий атамаларнинг форсча муқобили топилмай, матнда ўз аслича қолганини кўрсатган эдилар.

Ўзбек тилининг буюк денгизи ана шу уч буюк дарё — туркий, арабий ва форсийдан сув ичиш баробарида эски лотин, хитой, ҳинд, мўғул, рус, Европа тилларидан баҳраманд бўлган. Олимларимиз аллақачон унут бўлиб кетган кўҳна санскрит сўзларини ҳам тил хазинамизда топганлар. Шу сабаб ҳеч иккиланмай, тилимиз бой, дейишга ҳақлимиз. Ҳеч бир бошқа тилда бўлмаган шаклдош сўзлар санъати — **туюқ** ўзбек тилида бор. Ҳеч бир бошқа халқда йўқ аския, сўз ўйини бизда мавжуд.

Ҳазрат Навоий тўпори қора халқ тили ҳисобланган туркий ўзбек тилини шеърият осмонига кўтариб қўйдилар. "Муҳокамат ул-луғатайн"ни ёзиб, она тилимизнинг форс тилидан устун бўлса устунки, кам эмаслигини исбот қилдилар.

Ушбу рисолада ёзилишича, Навоий ҳам ёшлик йилларида бошқа шоирлар каби асосан форс тилида шеърлар ёзиб нафосат аҳлининг олқишини олган эканлар. Хусусан, форсийда битилган "Туҳфат ул-афкор" қасидасининг матлаи тўғрисида ҳазрат Жомий "Баҳористон" номли асарда ёзмишларки, мазмуни шундоқ: "Бу давлат ёрлиғини осмоннинг пештоқига осилса арзийди ва бу саодат тамғасини Муштарий юлдузининг бўйнига илиб қўйса, унга қувонч, ифтихор бўлгай".

Навоийнинг сўз бойлиги беқиёс. Сабаби ҳазрат форс тилини қанчалар мукаммал билсалар — ўз эътирофлари бўйича: "форс алфозин киши мендин кўпрак билмайдур" — араб тилини ҳам шу қадар баркамол эгаллаганлар ва уларни тўла истифода эта олганлар. Туркий тилнинг эса бутун назокатини, сўзга бойлигини "Муҳокамат ул-луғатайн"дагина эмас, бутун умр, бутун ижод жараёнида намоён қилганлар. Ўзбекнинг содда, тўпори сўзларини ҳам, шеърга солиш мумкин бўлмаган даражада оддий ва жўн гапларни ҳам нозик ғазалга кирита олганларки, бундоқ сеҳрдан лол бўлмай илож йўқ.

Саҳар ҳовар шаҳи чарх узраким
ҳайли ҳашам чекди,
Шуои хат била кўҳсор уза
олтун алам чекди.

Шундай юксак услубда ёзилган ғазалга "супурги" деган сўзни киритиб бўладими? Мутлақо мумкин эмас, дейсиз. Энди шеърнинг давомини ўқинг:

Қазо фарроши сунди чархнинг
сиймин супургусин,
Музайян парлари андоқки,
товуси ҳарам чекди.

Ажабо, буюк истеъдод нафаси тегса, ўзбекнинг қора ерда ётган супургиси ҳам осмонга кўтарилиб, қуёшнинг тарам-тарам шуъласига айланар экан.

Ёки "тиш қирчиллатиш" иборасини бугунги шоирларимиз арузий байт у ёқда турсин, ҳатто халқона содда бармоқ вазнида айтишни ўзларига эп кўрмайдилар. Навоийга қулоқ тутинг:

Тушда кўрдим ёрни,
шодон рақибим ўтруда.
Рашкдин ҳар лаҳза
тиш қирчиллатурман уйқуда.

Бундай халқ иборалари, лапарлари, мақолларини "Хазойин ул-маоний"да кўплаб учратамиз ва ҳар гал бу хил жўн сўзлар тагида ётган маънолардан, бадииятдан ҳайратга тушамиз.

Бизнинг шундай улуғ шеъриятимиз бор, бойликда беқиёс она тилимиз бор. Тил миллатнинг бош белгиси ҳисобланади. Тил бор — миллат бор. Тил йўқ — миллат йўқ. Истиқлол унут бўлган давлатчилигимизни тиклади, йўқ бўлишга маҳкум қилинган тилимизни, демакки, миллатимизни асради ва азиз қилди. Энди унинг биз йўқотиб улгурган бойлигини тиклаш, турлича "изм" тамғаларини қўйиб истеъмолдан чиқарилган сўзларни ўрнига қайтариш, бунинг учун мумтоз адабиётимизни чуқур ўрганиш ҳозирги авлод зиммасидаги шарафли бурчдир.

Гоҳи хаёл қиламан, агар мустақилликка эллик йил аввалроқ етишганимизда, балки икки азим дарёдан сув ичган Орол денгизимиз бу аянчли аҳволга тушмас эди ва агар собиқ тузум яна эллик йил яшаб қолганида, уч дарёдан сув ичган она тилимизнинг қисмати ҳам Оролнинг қисматидек бўларди.

Тикланаётган сўзларимиз истиқлол чечакларидир. Очилажак гуллар ҳали беҳисоб...

Эко тафаккур

ЯШИЛ КЎЧАЛАРДАН ЯШНАСИН ОЛАМ

Йўналишли таксидамиз. Йўловчилар биринкетин бекатларда тушиб қоляпти. Ёшроқ жувон "Ишкомли кўчада тўхтаб кетинг", деди. Унинг гапи қулоққа бошқача эшитилди. Ишкомли кўча... Ҳақиқатан, ишкомлари бор, бўлганида ҳам уйларнинг томидан-да баланд. Салқингина узумзор йўлни кўча ҳам дегингиз келмайди. Агар машиналар юрмаса, худди файзли уйнинг саҳнидай, ҳавас қилгулик. Қани энди Жийдазор, Тутзор, Бодомзор, Олмазор, Ўрикзор отли кўчаларнинг ҳаммаси ҳам ўз номига монанд бўлса. Балки, бир пайтлар шундай меваларга бой бўлгани учун улар айни ном билан аталгандир.

Масалан, пойтахтимизнинг Бешқайрағоч кўчаси бўйлаб ҳар бир хонадоннинг рўпарасига мевали кўчатлар экилган, гўё йўл бўйида узун боғ ҳосил бўлган. Кейинги пайтда негадир бу кўчада ҳам дарахтлар анчайин камайиб қолганини кўрамиз. Отчопар бозорига кетаверишдаги Мевазор кўчаси ҳам аввал турфа мевали дарахтлар билан файзли эди. Ишдан ҳориб келаётганингизда автобус ойнасидан бу кўча шундай гўзал кўринардики, баҳри дилингиз очилиб, чарчоғингиз чиққандай бўларди. Баҳорда чаппар гуллаган, ёзда ғарқ пишган, кузда турфа бўёқда товланадиган дарахтларнинг кўпи кесиб ташланди. Майли, кексайиб қолгандир. Бироқ кўчанинг аввалги файзини, тароватини тиклаш учун яна ниҳол экиш керак эмасми? Дарахтзор кўчалар йўл бўйига файз бериши баробарида энг азиз неъмат — кислород манбаи-ку. Ахир кислородсиз яшай оламизми? Биргина 2019 йилги пандемия буни шундоққина кўрсатиб қўйди.

Ўрни келганида бир ибратли воқеани эслаш жоиз. 78 ёшли отахонга шифохонада 24 соат давомида кислород мосламасини улаб қўйишганида аҳволи яхшилана бошлайди. Муолажалардан сўнг унга тўлов чеки берилганида четга қараб йиғлаб юборади. Шифокор қарияга бунинг учун қайғурмаслигини айтади. У эса "Мен тўлов учун йиғлаётганим йўқ. Буни тўлашга пулим етади. Лекин 24 соатли кислород учун шунча тўловни кўриб, 78 йилдан буён Яратганнинг ҳавосидан бир сўм тўловсиз нафас олаётганимни ўйлаяпман. Бунинг учун мен унга қанча қарз эканимни биласизми?" дейди.

Дарахтлар бизга беминнат кислород беради. У пулга чақилса борми! Дарахтларни кесиб, илдизигача пуллашни биладиган кимсалар уларнинг экологик аҳамияти топган пулидан неча баробар қимматга тушишини ҳис қилганида эди...

Яшил ҳудудларда сайр қилиш стрессни камайтиради, қон босимини нормаллаштиради ва руҳий ҳолатни яхшилайди. Шу маънода, дарахт экиш ва уларни ҳимоя қилиш ҳар бир инсоннинг экологик масъулиятидир. Кўчаларга дарахт экишни мажбурият эмас, эзгу ҳаракат деб билишимиз зарур. Юқорида ҳавас қилганимиз — мевазор, ишкомли кўчалар кўпайса, ҳам олма, ўрик, узумдек дармондорилар сероб бўлади, ҳам даромад келтираётгани учун кўчаларимизга меҳримиз ортади.



Андижоннинг Булоқбошисида тонналаб узум кўчалардаги ишкомдан тўғри экспортга йўналтирилмоқда. Вилоятнинг чекка ва чегара ҳудуди — Қўрғонтепа туманида ҳам ишкомли кўчалар пайдо бўлаётгани қувонарли. Бундан 2 йил аввал тумандаги "Учқун" МФЙда 2 та кўчага ток экилган. Шу кунларда унга қўшни Маъмуробод маҳалласида ҳам 2 километрдан зиёд жойга ишком ўрнатиляпти. Маъмуробод маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Абзалбек Арабboевнинг айтишича, ток кўчатларининг янги, хусусан, "Аватар", "Андижон қора" навлари экилмоқда. Маҳалланинг 3 та кўчаси узумзор, битта кўча эса олчазорга айланади. Ҳашар йўли билан 1200 туп гилос кўчати экилган Водий гавҳари кўчасининг 2-3 йилдан кейинги кўриниши кўз олдимизга келди. Айниқса, баҳорда жуда гўзал манзара ҳосил бўлади. Ишкомли кўчалар ҳам ундан қолишмайди.

Аслида, барча меваларнинг ўзига хос хусусияти, харидори бор. Шу маънода, кўчаларимизни мевали дарахтлар, ҳатто оддий тол, терак билан бойитсак ҳам ўзимиз-да бойиб борамиз. Масалан, Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги арчазорлар, қрим қарағайи, каштан, чинор экилган кўчалар ҳудуднинг ҳавоси шифобахшлигини таъминлаб келяпти. Тоғнинг тоза ҳавосига уйғун соф кислороддан нафас олиш учун минглаб беморлар келади. Бунинг ортидан ҳудуд иқтисодиёти ривожланади. Шуни тушуниб етар эканмиз, "Яшил макон" умуммиллий ҳаракати доирасидаги ишлар кўр-кўрона бўлмаслиги кераклигини англаймиз. Фалон маблағ эвазига ерга қадалаётган дарахтларнинг ҳар бири, албатта, яшашини истаймиз. Хайриятки, дарахтларнинг қуриб қолиши йилдан йилга камаймоқда. Бунда доимий назорат-рейд тадбирлари муҳим омил бўляпти. Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, 2024 йилда 600 мингга яқин дарахт кесилишининг олди олинди. Ҳудудлардаги дарахт экиш ишларига раҳбарларнинг ўзи бош-қош бўлаётгани қувонарли.

Бухоро шаҳрининг И.Каримов кўчаси бўйлаб ўтган асосий йўлнинг 1 километрга яқин қисмига садақайрағоч, шумтол, қарағай каби 500 тупга яқин манзарали дарахт кўчати ўтқазилди. Эндиги мақсад очиқ майдонлар бўйлаб ўриндиқлар, тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш. Шунда бу ерлар аҳоли гавжум жойга айланади. Бу орқали савдо ва хизмат кўрсатиш ҳам ривожланади.

Қорақалпоғистондаги 17 та маҳаллада ҳам қайрағоч ва шумтол каби манзарали дарахтлар экилиб, яшил ҳудуд кенгайтирилмоқда. Қорақалпоғистон Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутасаддиларининг айтишича, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида режалаштирилган 8 миллион 750 минг туп кўчатнинг барчаси экиб бўлинди.

2024 йилнинг 21 октябрь куни Президентимиз раислигида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўчат экиш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш имкониятлари кўрсатилган эди. Бу борада катта куч маҳаллалар экани, шу боис, "маҳалла еттилиги" вакиллари ўзига бириктирилган кўчаларда 100 тупдан жами 6 миллион дона манзарали дарахт ўстириши, бошқа кўчалар, бўш майдонлар ва кўп қаватли уйлар атрофида эса 3 миллион туп кўчат экилиши белгиланган.

Автомобиль йўллари бўйига кўчат экилиши, йўл ёқасидаги 2 минг километр жой 10 минг фуқаро ва тадбиркорга бўлиб берилиб, яшил майдонлар кенгайтирилиши кўзда тутилган. Шу йил 1 март кунидан бошлаб экилаётган дарахтлар "Яшил макон" электрон платформасига киритиб борилмоқда. Синов тариқасида ишга туширилган платформа ҳар бир дарахтнинг униб-ўсишини назорат қилиб боришга имкон беради. Буларнинг барчаси "Яшил макон" умуммиллий ҳаракатини том маънода келажак пойдеворига айлантириш учун хизмат қилади. Ҳа, глобал муаммо — экологик масалалар ечими маҳаллаларда ҳал этилмоқда.

Муножат МЎМИНОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



Муносабат





ЭЛЛАРНИ, ДИЛЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН УЧРАШУВ

ЯХЛИТ ИПГА ТИЗИЛГАН МАРЖОНЛАР



Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Хўжанд Марказий Осиёдаги энг қадимги шаҳарлардан бири. Айрим тарихий манбаларда унинг тарихини эрамизгача бўлган VII-VI асрларга боғлашади. Буюк ипак йўлида жойлашгани учун Фарғона водийсини Самарқанд билан боғлаб турган. Ўз даврида ўлканинг йирик савдо, илм ва маданият маркази бўлган. 1219-1220 йилларда Чингизхон қўшинларига қарши курашда вайронага айланган ва яна қайтадан тикланган. Бу курашда Темур Малик кўрсатган жасорат ҳозиргача тилларда достон. Хўжанд забт этилгач, Темур Малик Хоразмга боради ва Жалолиддин Мангуберди билан биргаликда 1231 йилга қадар мўғулларга қарши курашади. Шунинг ўзиёқ бу юртда яшовчи аҳоли доимо қондош-жондош бўлгани, ҳамиша бир-бирини қўллаб-қувватлагани, душманга қарши биргаликда курашганини тасдиқлайди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

31 март куни бу шаҳарда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Тожикистон етакчиси Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси раҳбари Садир Жапаровнинг самимий учрашувини, тантаналарда иштирок этган одамларнинг юзи, кўзидаги қувончни кўрганимда хаёлимдан яқин ўтмишимиз ўтди.

Отам Ўзбекистоннинг Зомин туманида туғилган, мен Тожикистоннинг Хўжанд туманида дунёга келганман. Фарзандларим Тошкентда таваллуд топди. Отам мангу қўним топган макон Ўзбекистоннинг Боёвут туманида, онамнинг қабри Тожикистоннинг Шаҳристон туманида. Оилада ўн фарзанд эдик, бир укам ўн уч ёшида вафот этди, қолган тўққиз ўғил-қизнинг саккизтаси Ўзбекистоннинг турли туманларида яшайди, битта укам эса Тожикистонда ота-онамнинг чироғини ёқиб ўтирибди.

Бу биргина бизнинг оиламиз тарихи, тақдири билан боғлиқ ҳақиқатлар. Марказий Осиёда бизга ўхшаган оилалар, тақдирлар минглаб, ўн минглаб топилади. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлашим лозим. Ўзбекнинг икки улуғ адиби — Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров Қозоғистон ва Тожикистонда туғилган. Бошқа мамлакатда туғилиб, бошқасида яшаб, ижод қилган ёзувчи, шоир, санъаткорларни юзлаб санаш мумкин.

Болалигим Тожикистонда ўтган. Ўша пайтда Ўратепа тумани ҳудудида жойлашган Қарабчи қишлоғимизда битта ҳам тожик оила яшамасди. Мактабда Ўзбекистон мактаблари учун чиқарилган дастур бўйича таълим олганмиз. Ҳатто тожик тили фан сифатида ўқитилмаган ҳам. Шу боис, Тожикистонда катта бўлсам-да, тожик тилини билмайман. Баъзан бизга мактабда тожик тилини ўргатишмаганидан афсусланаман. Ўргатишганда, яна битта бўлса-да, қўшимча тил билган бўлардим.

Тошкент телевидениесини кўриб катта бўлганмиз. Ўзбек ёзувчиларининг китоблари, Ўзбекистонда чиқадиган “Ғунча”, “Гулхан”, “Гулистон”, “Саодат”, “Фан ва турмуш” ҳамда Тожикистонда ўзбек тилида чоп этиладиган журнал ва газеталарни мутолаа қилиб улғайганмиз. Тожикистонда тожик тилида қандай газета ва журналлар, китоблар чиқишини билмаганмиз, уларни кўрмаганмиз ҳам.

Булар мақтанадиган гаплар ҳам, ўтмишни қўмсаш ҳам эмас, албатта. Замоннинг, даврнинг тақозоси, хатосидир, балки.

Минг йиллардан буён ёнма-ён, ака-ука, дўст-қадрдон, қуда-анда бўлиб яшаб келган халқлар, афсуски, мустақилликка эришгандан сўнг кўп ўтмай асрлар давомида очиқ турган дарвозаларини ёпди. Дунё давлатлари чегараларини очиб, интеграцияга интилаётган пайтда марказий осиёликлар бундай йўлни танлагани, виза жорий этгани тушунарсиз ҳол эди. Натижада ота у юртда, бола бу юртда қолди.

Отам 2016 йили Тошкентда вафот этди. Бемор бўлиб қолгач, даволатгани олиб келгандик, лекин тақдир экан... Тириклигида қишлоғимиздаги қабристонга, онамнинг ёнига қўйишимизни васият қилганди. Чегаралар ёпиқ, муносабатлар совуқ, чигал бўлгани учун Тожикистонга олиб ўтолмадик, Гулистон шаҳри яқинида жойлашган Қарабчи қишлоғидаги қабристонга қўйдик. Қишлоқда ота-онамнинг чироғини ёқиб ўтирган укам падари бузрукворини сўнгги йўлга кузата олмагани, охирги марта дийдорига тўймагани учун ҳозиргача афсусланади.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари бўлгач, Ўзбекистондагина эмас, бутун Марказий Осиёда вазият бутунлай ўзгарди, ҳарорат илиқлашди. Чегаралар очилди, одамлар бемалол қариндош-уруғлариникига бориб кела бошлади. Ўғил бошқа давлатда яшайдиган ота-онаси, ака-синглисидан хабар оладиган бўлди. Авваллари телевидение каналларида ваҳима қилинганидек, ҳеч ким чегарадан қурол-яроғ, оғу олиб ўтаётгани йўқ. Ҳамманинг қўлида иссиқ нон. Оддий одамлар ўз тирикчилиги, ташвиши билан банд. Чегаралар очилганидан хурсанд, бошлари осмонда, икки давлат раҳбарларини дуо қилмоқда.

Аслида, ваҳима кўтарганларнинг ўзлари ўша пайтда кечалари чегараларни очиб, катта-катта машиналарда минглаб тонна контрабанда молларни икки давлат чегарасидан ўтказар, бунинг ортидан юз минглаб доллар фойда кўрарди. Улар чегаралар очилса, шу фойдадан қуруқ қолишидан қўрқиб, қурол олиб ўтмоқчи бўлганлар ушланди, оғу олиб ўтмоқчи бўлганлар қўлга тушди, деган хабарлар тарқатарди, назаримда. Чегара ҳудудида яшовчи аҳоли билан гаплашиб кўринг, барини билади, айтади. Чунки нималар бўлганини улар ўз кўзлари билан кўрган.

Бир пайтлар Тожикистоннинг Кўрғонтепа даштларини ўзлаштириш учун Фарғона водийсидан, Ўзбекистондаги чўлларни ўзлаштириш учун Тожикистоннинг тоғли туманларидан бутун-бутун қишлоқлар кўчиб келган, кўчириб келтирилган. Улар шу юртда яшаб, шу юрт одамлари билан эл бўлиб кетган.

Тожикистондаги қишлоғимизнинг номи Қарабчи эди. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар совуқлашганда Гулистон деб ўзгартирилди. Бир пайтлар Мирзачўлни ўзлаштиргани келган ҳамкишлоқларимиз яшайдиган — Сирдарё вилояти маркази Гулистон шаҳри биқинида жойлашган қишлоқнинг номи бугун Қарабчи. Шу қишлоқда вояга етган етти киши Сирдарё вилоятининг еттита туманига раҳбар бўлди. Қарабчиликлар барча каби Мирзачўлни ўзлаштириш, боғу бўстонга айлантиришда жонбозлик кўрсатди.

Хўжанддаги икки ва уч томонлама учрашувлар жуда самарали ўтди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ҳузурида ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ҳақидаги баённомани имзолади, ратификация ёрлиқлари алмашди. Энди икки давлат иттифоқчига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан учрашувида икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ривожланиб бораётгани, товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан буён 70 фоиз ошгани қайд этилди. Энергетика ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги йирик минтақавий лойиҳалар, жумладан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Хўжанддаги учрашувларнинг энг муҳим воқеаси Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартноманинг имзолангани ҳамда уч давлат раҳбарларининг қўшма декларацияси қабул қилингани бўлди. Шунингдек, уч мамлакат давлат чегаралари туташган ҳудудда Дўстлик стеласи очилди. Ҳеч шубҳа йўққи, ушбу ёдгорлик қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганининг янги рамзига айланади.

Уч давлат раҳбарининг Хўжанддаги учрашуви, айтиш мумкинки, катта байрамга айланиб кетди. Чунки энди чегаралар бўйича низолар йўқ, энди бир давлат аскари иккинчи давлат ҳудуди томон ўқ отмайди.

— Бугун халқларимиз учун ҳақиқатан ҳам катта ва узоқ кутилган байрам. Биз уч давлат чегараларининг туташ нуқтаси ҳақидаги тарихий шартномани имзоладик. Бундан буён чегаралар — биродарлик чизиқлари, янги имкониятлар, бунёдкорлик ва ҳамкорлик маконидир, — деди Президентимиз тадбирда.

Давлатларимиз раҳбарларининг Хўжанддаги учрашуви халқларни, миллатларни, энг муҳими, дилларни бирлаштирган тадбир сифатида тарихдан жой олади, албатта.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон Президентларининг Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисида шартнома имзоланди ҳамда қўшма декларация қабул қилинди. Мамлакатларимиз давлат чегаралари туташган ҳудудда Дўстлик стеласи очилди. Ушбу саммит уч мамлакат азалий дўстлиги, илдизи туташ халқларимиз бирдамлиги сифатида қалбларимизни ҳаяжонга тўлдирди. Қутлуғ лаҳзалар илҳоми эса шеърий сатрларга айланди:

УЧ ҚЎШНИНОР — БИР ИЛДИЗ

Зеҳн солсангиз зимдан,
Яшар аҳил қадимдан.
Ҳар ишда ибрат олар,
Ҳол сўраб бир-биридан.
Дўст ўзбек, тожик, қирғиз —
Уч қўшинор, бир илдиз.

Сарҳадлари туташган,
Девор оша бўйлашган.
Қуда-анда тўйлашган,
Бир-бирини қўллашган.
Дўст ўзбек, тожик, қирғиз —
Уч қўшинор, бир илдиз.

Бепоён дала, боғлар,
Кўкка сапчиган тоғлар.
Мудом дўстликни ёқлар,
Алёр-ла кўнглин чоғлар.
Дўст ўзбек, тожик, қирғиз —
Уч қўшинор, бир илдиз.

Бундай даврон қандай соз!
Шоир Равшан, жўшиб ёз,
Донги дунёга етсин,
Қўшиқ бит, айлаб эъзоз.
Дўст ўзбек, тожик, қирғиз —
Уч қўшинор, бир илдиз!

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби

Тўйчи ИСМОИЛОВ,
Қирғиз миллий маданий маркази Жиззах вилояти бўлими раиси ўринбосари

Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон Президентларининг Хўжанд шаҳрида ўтказилган тарихий учрашуви мен учун икки карра аҳамиятли. Энг аввало, мамлакатимиз манфаати бўлса, иккинчидан, миллатдошларим яшайдиган Қирғизистоннинг қўшни тожикистонликлар билан чегарадаги турли низоларига нуқта қўйилгани бўлди.



Саммитнинг илк жараёнларини Зомин туманининг асосан қирғизлар яшайдиган Дуоба қишлоғида ўтказилган дўстлик сайлида катта экранда кузатиб бордим. Турли миллат вакиллари қатнашган тадбирлар, айниқса, уч томонлама учрашув барчамизда катта таассурот қолдирди. Самимий ва дўстона ўтган олий даражадаги музокараларда эришилган келишувлардан хурсанд бўлмаслик мумкинми ахир! Уч давлат бир-бирига қучоқ очиб, бирга ривожланиш, тараққий этиш, бу йўлда доим бир-бирини қўллаб-қувватлашга аҳдлашяпти.

Мана шундай натижага эришишда Шавкат Мирзиёевнинг беқиёс ҳиссаси бор. Зеро, давлатимиз раҳбари Президентликка киришган илк кунларданоқ Ўзбекистон учун Марказий Осиё давлатлари билан дўстона, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади ҳамда амалда ҳам шундай сиёсат юритди. Самарасини бугун ҳаммамиз, бутун дунё жамоатчилиги кўриб, кузатиб турибди. Қисқа муддатда улкан натижаларга эришилгани ҳақли равишда эътироф этиляпти.

Қирғизистон билан узоқ давом этган чегара масалалари ҳал этилди. Тожикистон билан йигирма йиллар чамаси ёпилган чегаралар қайта очилди, виза тартиби бекор қилинди, борди-келди тикланди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам ўтказиб келинаётган маслаҳат учрашуви йўлга қўйилди. Натижада минтақадаги давлатлар раҳбарларида сиёсий мулоқот ва ўзаро ишонч мустаҳкамланди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бир неча баробар ошди. Хўжанддаги саммитни ҳам Президентимизнинг бутун минтақа аҳолиси манфаатини ўйлаб юритган оқилона сиёсатининг меваси десак бўлади.

Ишончим комил: Хўжанд саммити доирасида эришилган келишувлар ўзбек, қирғиз ва тожик халқларининг абадий дўстлиги янада мустаҳкамланиши, давлатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги янги босқичга чиқишига хизмат қилади. Шундай бўлиши керак ҳам, аслида. Зеро, Марказий Осиё яхлит ип бўлса, минтақа халқлари унга тизилган маржонлардир.

ДАРЁ ЎЗ ЎЗАНИНИ ТОПАДИ

ёхуд кейинги йиллардаги дўстона алоқалар умримга умр қўшди

Юсуф Вализода ДАРБАНДИЙ,
ТерДУ ўқитувчиси, шоир

Тоғли Бойсуннинг Дарбанд қишлоғида туғилганман. Тилим тожик ва ўзбекча чиқди. Бойсун тумани марказига келиб, ўзбек тилидан савод чиқардим. У пайтлар гўё бир қадам эди — Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида олий маълумот олдим. Сурхондарё вилояти маркази — Термиз шаҳрига келиб, бу ердаги олийгоҳда ёшларга филологиядан 63 йил дарс бердим.



Ҳали ҳам ҳар тонгда олийгоҳга сабоқ беришга шошаман. Ёшим саксон билан тўқсоннинг қоқ ўртасида. Ҳаётдан хулосам шуки, ҳар қанча қуршовлар, талатўплар бўлмасин, дарё ўз ўзанини топади. Давлатимиз раҳбарининг Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган тарихий учрашувдаги иштирокини кузатиб, икки тилда сўзлашувчи битта халқнинг ўзанлари мустаҳкамланиб бораётгани гувоҳи бўлдим.

Икки халқ — ўзбек ва тожик бир элки, эт ва тирноқдек, кўзу қошдек. Кейинги йиллардаги дўстона алоқалар умримга умр қўшди. Боиси, кўзим очиқлигида бу ришталар абадий дўстлик мақоми сифатида мустаҳкам муҳрландики, ўлсам-да армоним бўлмайди.

Ҳа, Тожикистоннинг Хўжандида беқиёс воқелик содир бўлди. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон раҳбарлари учрашуви якунида уч давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди ҳамда қўшма декларация қабул қилинди.

Бу жуда муҳим воқеа. Узоқ йиллар давомида мавжуд бўлган оғриқ ва келгусида ҳам муаммо келтириши мумкин бўлган оловли жараёнларнинг олди шу лаҳзаларда олинди, юртларимизнинг барқарорлиги ва равнақи учун мустаҳкам асос яратилди.

Сариосиё туманида бир шогирдим бор — Юлдузхон Аҳмаджонова. Асли тожикистонлик. Келин бўлиб тушгач, қариндош-уруғ Тожикистонда, болалари эса Ўзбекистонда.

Ҳозир буни тасаввур қилиш мумкин эмасдек: биргина паспортида юзага келган муаммо сабаб чамаси 15-20 йиллар сарсон бўлди.

2016 йилга келиб эса унинг ҳаётида янги ёрқин саҳифалар очилди. Паспорт олди, эмин-эркин ота-онасини кўриб келадиган бўлди. 35 йилдан буён Ўзбекистонда яшаб келаётган шогирдимнинг бугунги хурсандчилигини бир кўрсангиз эди! Ахир у бир инсон умрига нисбатан катта вақт — 15-20 йиллар давомида яқинлари билан учраша олмади. Юлдузхон ўша кунларни эсларкан, чегараларнинг қайта очилгани унинг ҳаётидаги энг катта шодликлардан бири эканини таъкидлайди.

Бу тарихий жараёнларни инсонпарварлик, яхши қўшничилик сиёсати натижаси дейман. Шу кунларда Сариосиё туманидаги Шоҳқишлоқ маҳалласида бўлдим. Маҳаллада турли миллатга мансуб 5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла фаолларидан бири Тошпўлат Жумаевнинг айтишича, Тожикистон билан чегаралар очилиши нафақат оилавий борди-келдиларни, балки ҳам Тожикистон, ҳам Ўзбекистон томонлари учун иқтисодий ва маданий муносабатларни янада кучайтирибди.

Сариосиё ёшларининг Тожикистон олий таълим муассасаларида, тожикистонлик ёшларнинг эса Денов ва Термиздаги олийгоҳларда таълим олиши учун имконият яратилди. Бу эса икки давлат ўртасида илм-фан соҳасидаги ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Сурхондарёнинг Термиз, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Шўрчи, Сариосиё ва Узун туманлари қўшни Тожикистон билан чегарадош. Бундан бир аср аввал чегара деган нарса бўлмаган. Афсуски, узоқ йиллар биз қардош-қондош, биродар яқинларимизга симтўр ортидан қараб келдик, улар ҳам бизга шундай қаради. Қанчалик қайғули бўлмасин, бу мустақилликнинг муайян йиллари ҳақиқати эди.

Энди давлатларимиз раҳбарларининг кучли сиёсий иродаси ортидан минг йиллик чегараларга қўйилган сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Бир сўз билан айтганда, қадимий Хўжандда эришилган тарихий келишувлар энг мураккаб масалаларни ҳам очиқ мулоқот, ўзаро ҳурмат ва ишонч орқали самарали ҳал этиш мумкинлигига ёрқин мисол бўлди.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-446.
36811 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 00:08 Топширилди — 00:55